


37
734

37(545.1)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ
АХБОРОТНОМАСИ
4-сон**

2056493

**ВЕСТНИК
МИНИСТЕРСТВА ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО
СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
№ 4**



Тошкент - 2013

Мазкур ахборотнома
олий таълим соҳасида 2013
ланган ҳамда такомиллашти
ўз ичига олди.

Ахборотнома таълим
риш, давлат ва жамоат бо
тадқиқотчилар, услубчилар

БОШ МУҲАРИР: Ўзбекистон
таълим вазири

ТАҲРИР Х

Ф.Ризаев, У.Салимов, М.
Р.Сулейманова, Р. Мусу
Б.Қодиров, Й.Ўринов (ма

37
734

37(545.1)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ
АХБОРОТНОМАСИ
4-сон

2056433

ВЕСТНИК
МИНИСТЕРСТВА ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО
СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
№ 4

Toshkent Axborot Texnologiyalari Universiteti
18454/4
Axborot Resurs Markazi

Тошкент - 2013

Мазкур ахборотнома узлуксиз таълим тизимида, шунингдек олий таълим соҳасида 2013 йилда янги қабул қилинган ва қайта ишланган ҳамда такомиллаштирилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ичига олди.

Ахборотнома таълим соҳаси ходимларига, фан, ишлаб чиқариш, давлат ва жамоат бошқаруви органлари, талабалар, илмий тадқиқотчилар, услубчилар ва кенг жамоатчиликка мўлжалланган.

БОШ МУҲАРИР: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири Баходир Юнусович Ходиев

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ

Ф.Ризаев, У.Салимов, М.Иноятов, И.Маджидов, Б.Рахимов,
Р.Сулейманова, Р. Мусурмонов, У.Бегимкулов, Р.Ражаббоев,
Б.Қодиров, Й.Ўринов (масъул котиб).



Мундарижа

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Олий таълим муассасаларини замонавий ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги 2013 йил 2 августдаги 278-сонли буйруғи.....	4
Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси.....	8
Республика олий таълим тизими учун танлов асосида зарурий дарсликлари ва ўқув адабиётларини яратиш бўйича муаллифлар таркибини шакллантириш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ.....	43
Муаллифлар танловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича махсус комиссиянинг ТАРКИБИ.....	53
Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг давлат таълим стандартлари асосида фанлар бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш ТАРТИБИ.....	55
НАМУНАВИЙ ШАРТНОМА	61
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш чора тadbирлари тўғрисида»ги 2013 йил 13 августдаги 222-сонли қарори.....	79
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда хорижий тиллар» номли касбга оид электрон журнал ва Интернет порталини ташкил этиш тўғрисида»ги 2013 йил 16 октябрдаги 283-сонли қарори.....	85

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2013 йил 2 августдаги 278-сонли
БЎЙРУҒИ

**Олий таълим муассасаларини замонавий
ўқув адабиётлари билан таъминлашни
такомиллаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги "Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПК-1533-сонли Қарори асосида такомиллаштирилган олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, жаҳон тажрибаси ўрганилган ва таҳлил қилинган ҳолда мазмуни тубдан ўзгартирилган ўқув режа ва фанд астурилари бўйича олий таълим муассасалари талабаларини замонавий ўқув адабиётлари билан таъминлаш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. **Такомиллаштирилган ва 2011-2012 ўқув йилидан татбиқ этилаётган олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, ДТС ва ўқув режаларига мувофиқ Олий ва ўрта махсус касб-хун ар таълими тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш** Концепцияси 1-иловага, Республика олий таълим тизими учун дарсликлар ва ўқув адабиётларини яратиш бўйича муаллифлар таркибини шакллантириш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги Низом 2-иловага, Муаллифлар танловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича махсус комиссиясининг таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўздуксиз таълим тизими бўйича:

- Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг давлат таълим стандартлари асосида фанд астуриларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш Тартиби 4-иловага;

- Замонавий дарсликларни яратиш мақсадида танлов асосида белги ланган муаллифлар билан олий таълим муассасалари маъмурияти ўртасида тузиладиган намунавий шартнома шакли 5-иловага мувофиқ маъқуллансин.

2. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича махсус комиссия (И.Мажидов)га:

- яратилиши зарур бўлган янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмаларининг такомиллаштирилган Давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва фан дастурлари ҳамда мазкур буйруkning 1-бандида тасдиқланган Низомга катъий амал қилинишини таъминлаш;

- танловда иштирок этиш истагини билдирган муаллифлар тўғрисида келиб тушган мурожаатлар асосида тегишли фанлар бўйича муаллифлар гуруҳини шакллантириш;

- ўқув адабиётларини яратилиши республика таянч олий таълим муассасалари етакчилигида, турдош ОТМ иштирокида юқори тажрибага эга бўлган профессор-ўқитувчилар, ЎзФАнинг илмий тадқиқот муассасалари етакчи олимлари ва ишлаб чиқариш корхоналари мутахассисларини жалб этган ҳолда муаллифлар гуруҳларни шакллантирилишини нazoratга олиш;

- дарсликларни республика иқтисодиётининг модернизацияланган соҳалари, тармоқлари ва инфратузилмаси, фан ва технология ютуқлари, ривожланган хорижий давлатларнинг тажрибалари билан бойитилишига қўмаклашиш;

- Республика олий таълим тизими учун дарсликлар ва ўқув адабиётларини яратиш бўйича муаллифлар таркибини шакллантириш бўйича ОТМлари нашр ва таҳрир бўлими бошликларини иштирокида ҳудудий семинарлар ўтказиш;

- замонавий ўқув адабиётлари яратилишида танловда ғолиб чиққан муаллифлар иштирокида мақсадли семинар ва учрашувлар ўтказиш;

- ўқув адабиётларини яратилиши билан боғлиқ бўлган жараёнларни оммавий ахборот воситаларида ёритишни ташкил қилиш ва зифалари топширилсин.

3. Республика олий таълим муассасалари ректорларига:

- замонавий ўқув адабиётларини яратишда олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг янгиланган Классификатори, унинг асосида такомиллаштирилган Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурларига мувофиқлигини таъминлаш. ўрнатилган тартибда муҳокама ва экспертгизалардан ўтказиш, кўчириб ёзиш каби ҳолатларни олдини олиш;

- янги авлод ўқув адабиётларини танлов асосида яратиш бўйича гуруҳларига аъзо муаллифларнинг самарали ва ижодий фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

- замонавий ўқув адабиётлари яратилишига танловда голиб чиққан муаллифларга зурур бўлган ҳолларда ўқув адабиётининг яратилишидаги иштирокига қараб юқламасини қамайтириш, ижодий таътил бериш ва бошқа қулайликларни ташкиллаштириш;

- нашр этилган замонавий дарсликлар ва бошқа ўқув адабиётларининг электрон версияларини ахборот-ресурс марказининг электрон тармоғига ўрнатилган тартибда жойлаштириш вазифалари юклатилсин.

4. Таянч олий таълим муассасалари ректорларига:

- замонавий ўқув адабиётларини яратилишига жалб этилган турдош олий таълим муассасалари муаллифлари иштирокида мақсадли семинар ва давра суҳбатларини ўтказиш;

- чоп этилган ўқув адабиётларининг электрон версияларига ўтказиш ҳамда турдош олий таълим муассасаларининг ахборот ресурс марказларини улар билан таъминланишига ҳамда қўرғазмалар ташкил этилишига эришиш вазифалари топширилсин.

5. Ўқув жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бошқармаси (О. Абдурахмонов)га:

- олий таълим муассасаларида электрон кутубхона тизимини таъминлаштириш ҳамда масофавий таълим механизмининг ўқув-тарбия жараёнига жорий этилиши ишларини мувофиқлаштириб бориш;

- нашр этилган замонавий дарсликлар ва бошқа ўқув адабиётларини Ziyonet таълим тармоғига жойлаштиришда олий таълим муассасаларига амалий ёрдам кўрсатиш вазифалари топширилсин.

6. Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси (М. Комилов)га:

- ижтимоий-гуманитар ва иктисодий фанлардан ўқув адабиётларини яратиш ва экспертизадан ўтказилиши ишларини доимий эҳтиборда эканлигини инобатга олган ҳолда Методологик комиссия муҳокамасидан ўтказилиши ва қабул қилинган қарорлари (ҳулосалари) ижросини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

7. Олий таълим муассасалари бош бошқармаси (И. Маджидов). Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази (Б. Рахимов)га:

- замонавий ўқув адабиётларини яратишда олий таълим муассасаларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш;

-олий таълим муассасаларининг замонавий дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминланганлик мониторингининг таҳлили асосида янги авлод адабиётларини яратилиши бўйича тақлифлар киритиш вазифалари юклатилсин.

8. Молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси (С.Бузрукхонов)га:

2013-2014 ўқув йилидан бошлаб яратилиши белгиланган замонавий дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни чоп этилишини ва уларнинг электрон версияларига ўтказиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштирилиши бўйича чоралар белгиласин.

9. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Ф. Ризаев зиммасига юклатилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазири

Вазирликнинг 2013 йил 2 августдаги
278—сонли буйруғига 1 - илова

ОЛИЙ ВА ЎРГА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ УЧУН ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИНИНГ ЯНГИ АВЛОДИНИ ЯРАТИШ КОНЦЕПЦИЯСИ

Биз дарслик яратишга энг илгор ва энг шарафли вазифа сифатида қарашимиз, яхши дарслик яратган одамларни бошимизга қўтаришимиз керак. Дарсликни, агар керак бўлса катта танлов асосида яратиш лозим. Танлов голлибларидан маблагни аямаслигимиз лозим.

*(И.А.Каримовнинг 1997 йил 29 августда
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
IX-сессиясида сўзлаган нутқидан)*

I. Кириш

Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизими муассасаларини янги авлод ўқув адабиётлари билан таъминлаш, талаба-ўқувчиларни қомил инсон қилиб етиштиришга қаратилган дарсликлар ва ўқув адабиётларини яратиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Чунки барқамол авлод тарбиясини ва рақобатбардош кадрларни тайёрлашни замонавий адабиётларсиз тасаввур этиш мушкул.

Республикамизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши, ижтимоий ва иқтисодий ўзгариши, янги ишлаб чиқариш технологияларини тадбиқ этилиши талабалар ва уларга таълим бераётган профессор-ўқитувчилар томонидан тан олинган кенг камровда синовдан ўтказилган дарслик ва ўқув адабиётлари билан таъминланишига боғлиқ.

Янги авлод ўқув адабиётларини яратишнинг меъёрий-ҳуқуқий асоси бўлиб Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги "Узлуксиз таълим тизимини дарс-

ликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сонли, 2000 йил 29 майдаги “Ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яраштириш бўйича република мувофиқлаштирувчи комиссиясини тuzиш тўғрисида”ги 208-сонли қарорлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш, соҳа ходимларига зарур шарт-шароитлар яратиш, таълим мазмуни ва сифатини такомиллаштириш ҳамда оширишга бевосита таъсир кўрсатувчи омиллардан бири сифатида талабаларни ўқитишдаги фанлар бўйича Давлат таълим стандартлари талаблари асосида яратилган сифатли дарслик ва ўқув қўлланмалар билан тўлиқ таъминлаш вазифаси турибди.

Илм-фан жадал тараққий этаётган, замонавий ахборот-коммуникация тизими воситалари кенг жорий этилган жамиятда турли фан соҳаларида билимларнинг тез янгиланиб бориши, таълим олувчилар олдига уларни жадал эгаллаш билан бир қаторда, мунтазам ва мустақил равишда билим излаш вазифасини қўймоқда.

Ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш, уларни тайёрлаш борасидаги илмий-ўқув, ташкилий ва молиявий масалаларни ҳал қилиш, узлуксиз таълим тизимида кадрлар тайёрлаш миллий дастури мақсадларига эришишни таъминлашга қаратилган чораларни ишлаб чиқишни талаб қилади.

II. Мақсад ва вазифалар

Концепциянинг мақсади Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг барча таълим турлари учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш тамойиллари ва уларни тайёрлаш механизмларини белгилашдан иборатдир.

Ушбу Концепциянинг асосий вазифаларига ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш учун илмий-ғоявий, ўқув-дидактик, педагогик-психологик талабаларни ишлаб чиқиш, ўқув адабиётларидан тўғри ва рационал фойдаланиш мақсадида уларнинг мавжуд шакллари ва турларига аниқ таърифлар бериш ҳамда мамлакатимиз миқёсида замонавий ўқув адабиётларини тайёрлаш бўйича дастурларни амалга ошириш учун стратегик масалалар қўламини аниқлаш киради.

Ш. Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш механизми

3.1. Кадрлар тайёрлаш миллий модели асосида таълим тизимининг асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари

3.1.1. Ўрта махсус, касб-хунар таълими (Уч йиллик академик лицей (АЛ) ва уч йиллик касб-хунар коллежи (КХК)). Давлат таълим стандартлари.

3.1.2. Олий таълим (бакалавриат, магистратура). Давлат таълим стандартлари.

3.1.3. Олий ўқув юртдан кейинги таълим. Давлат талаблари.

3.1.4. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш. Давлат талаблари.

3.2. Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида ўқитиладиган ижтимоий-гуманитар фанлар мажмуасига мос ўқув адабиётларининг турлари

3.2.1. АЛ: умумтаълим ва чуқурлаштириб ўқитиладиган фанлар ҳамда КХК: умумтаълим, умумкасбий ва махсус фанлар учун:

- асосий дарсликлар, ўқув ва методик қўлланмалар;
- маърузалар курси;
- маърузалар матни;
- методик тавсифнома ва кўрсатмалар;
- маълумотлар тўплами ва банки, луғатлар.

3.2.2. Умумтаълим, умумкасбий, махсус ва қўшимча фанлар учун:

- дарсликлар, ўқув ва методик қўлланмалар;
- маърузалар курси;
- маърузалар матни;
- методик тавсиянома ва кўрсатмалар;
- маълумотлар тўплами ва банки;
- луғатлар ва дайжест.

3.2.3. Умумий методологик ва махсус фанлар ҳамда илмий фаолият учун:

- дарсликлар, ўқув ва методик қўлланмалар;
- маърузалар курси;
- маърузалар матни;
- методик тавсиянома ва кўрсатмалар;

- маълумотлар тўплами ва банки;
- луғатлар ва дайжест;
- илмий оммабоп адабиётлар.

3.2.4. Илмий методологик ва махсус фанлар ҳамда илмий фаолият учун:

- тегишли соҳаларга оид умумий адабиётлар;
- ўқув ва методик адабиётлар;
- илмий оммабоп адабиётлар.

3.2.5. Умумий методологик ва махсус фанлар учун:

- тегишли соҳаларга оид ўқув ва умумий адабиётлар;
- илмий-методик ва илмий-назарий адабиётлар.

IV. Ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишга қўйиладиган талаблар

Ҳозирги даврда ёш авлодни юқори савияда тайёрлашни таъминлаш учун миллий бўлган ўқув адабиёти замонавий авлодини яратиш ва нашр этиш давлат аҳамиятига эга бўлган масаладир. Сифатли ўқув адабиёти нафақат ўрганувчиларнинг қизиқишини оширади балки етарлича тайёргарликка эга бўлмаган ўқитувчиларнинг камчиликларини ҳам бартараф қилади. Бошқача айтганда ҳатто таълим олувчиларни сифатли дарслик билан ўқитаётган оддий ўқитувчи ҳам яхши ўқитувчига айланиши мумкин. Яъни. яхши ўқиш ҳам, самарали ўзлаштириш ҳам ўқув адабиёти билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўқув адабиётлари республикада олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий, демократик ўзгаришлар, иқтисодий эркинлаштириш ва модернизациялаш ҳамда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий, ҳуқуқий ва бошқа соҳалардаги ислохотларнинг устивор масалалари қамраб олиниши лозим. Шу билан бирга соҳа бўйича фан, техника ва технологиянинг сўнги ютуқлари, илғор халқаро тажриба ва тараққиёт тенденциялари ҳисобга олиниши шарт.

Ўқув адабиётларини яратишда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида республикада жорий этилган узлуксиз таълим тизимининг таълим турлари (ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, бакалаврият ва магистратура) ўртасидаги узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш, фанларда мавзулар изчиллигига, оддийдан мураккабга, хусусийдан умумийликка ўтиб боришга ҳамда мавзуларнинг тақрорланмасли-

гига алохида эътибор қаратилиши лозим. Шунингдек, яратиладиган ўқув адабиётларининг мазмуни таълим олиш, янги билимларни ўқув адабиётларидан мустақил излаб топиш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган бўлиши керак.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделига мувофиқ узлуксиз таълим тизимида ўқув адабиётлари таълим турлари учун тасдиқланган давлат таълим стандартлари (ёки давлат талаблари) ва фанлар бўйича узвий боғланган ўқув дастурлари асосида тайёрланади. Бунда муайян фаннинг ўқув адабиётлари мазкур таълим турида ўқитиладиган бошқа фанлар билан боғлиқлигини ва бошқа таълим турларида ушбу фаннинг ўқув дастурларидаги узвийликни таъминлаши лозим. Ўқув адабиётлар белгиланган тартибда ҳар томонлама экспертизадан ўтказилади.

Ҳар бир таълим тури учун яратилаётган ўқув адабиётларига педагогик-психологик услубий-дидактик, санитария-гигиеник ва бошқа талаблар алохида белгилаб кўйилади.

Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг барча турларида фундаментал билимлар бўйича ўқув адабиётлари асосан анъанавий босма шаклда тайёрланади.

Электрон ўқув адабиётлари билим оловчиларнинг тасаввурини кенгайтиришга, дастлабки билимларини ривожлантиришга ва чуқурлаштиришга, кўшимча маълумотлар билан таъминлашга мўлжалланган бўлиб, кўпроқ чуқурлаштириб ўқитиладиган фанлар бўйича яратилади. Узлуксиз таълим тизимида фан ва технологияларнинг ривожланиши сари мазмуни тез ўзгарувчан, чуқурлаштириб ўқитиладиган, касбий ва махсус фанлар бўйича асосан кам ададли электрон ўқув адабиётлари тайёрланади.

Ўқув адабиётларнинг мазмуни билим оловчиларда мустақил ва эркин фикрлаш, олинган билимларни босқичма-босқич бойитиш, мукамаллаштириб бориш, мустақил таълим олиш, янги билимларни ўқув адабиётлардан излаб топиш кўникмаларини ҳосил қилишни таъминлаши керак.

V. Ўқув адабиётларининг шакллари ва турлари

5.1. Ўқув адабиётларининг шакллари

Ўқув адабиётлари - муайян таълим тури (йўналиши ёки мутахассислиги) ўқув режасида қайд этилган фанлар бўйича тегишли ўқув дастурлари асосида зарур билимлар мажмуаси келтирилган, ўзлаштириш услублари ва дидактикаси ёритилган (шу жумладан, хорижий таржи малар) манба бўлиб, икки хил шаклда тайёрланади:

- Аънавий (босма) ўқув адабиётлар - таълим олувчиларнинг ёши ва психо-физиологик хусусиятлари, маълумотлар ҳажми, шрифтлари, қоғоз сифати, муқова тури ва бошқа кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда қоғозда чоп этиладиган манба;

- Электрон ўқув адабиётлар - замонавий ахборот технологиялари асосида маълумотларни жамлаш, тасвирлаш, янгилаш, сақлаш, билимларни интерактив усулда тақдим этиш ва назорат қилиш имкониятларига эга бўлган манба.

5.2. Ўқув адабиётларнинг турлари

Олий ва урта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ўқув-тарбиявий жараёнида ўқув адабиётларнинг қуйидаги турлари қўлланилади: дарслик, ўқув қўлланма, луғат, изоҳли луғат, маълумотлар тўплами, маърузалар курси, маърузалар тўплами, методик кўрсатмалар, методик қўлланмалар, маълумотлар банки, дайжест, шарҳ ва бошқалар.

Дарслик-давлат таълим стандарлари, ўқув дастури, услубияти ва дидактик талаблари асосида, миллий ғоя ва маънавий қадриятларимиз синдирилган, муайян ўқув фанининг мавзулари тўлиқ ёритилган, тегишли фан асосларини мукамал ўзлаштирилишига қаратилган ҳолда, фанга тегишли билимларни талабалар томонидан мустақил ўзлаштириб олишга, уларда кўникма ва малакаларни шакллантиришга, керакли ўқув материални мустақил излаш ва топишга, ҳамда амалий фаолиятда қўллашни ўргатиш ҳамда ижодий қобилиятларни ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши керак.

Ҳар бир таълим турининг мақсад ва вазифаларини қамраб олган, билим олувчиларнинг ёши ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир фан бўйича ўз дарсликлари бўлади. Дарсликда назарий маълумотлардан таълиқари, амалий-тажриба ва синов машқлари бўйича зарур кўрсатмалар берилади.

Тегишли таълим турлари учун Мувофиқлаштирувчи Кенгаш (ёки ваколатли Кенгашларнинг грифи) томонидан ўқув адабиётига берилган гувоҳнома, ўқув режаларда кўрсатилмаган (танлов ва кўшимча) фанлари учун таълим муассасасининг Илмий кенгаши қарори асосида чоп этилган нашр.

Ўқув қўлланма - дарсликни қисман тўлдирувчи, муайян фан дастури бўйича тузилган ва фан асосларининг чуқур ўзлаштирилишини таъминловчи, айрим боб ва бўлимларни кенг тарзда ёритишга ёки амалий машқ ва машғулотлар ечимига мўлжалланган тегишли таълим турлари учун Мувофиқлаштирувчи Кенгаш (ёки ваколатли Кенгашларнинг грифи) томонидан ўқув адабиётига берилган гувоҳнома, ўқув режаларда кўрсатилмаган (танлов ва кўшимча) фанлари учун таълим муассасасининг Илмий кенгаши қарори асосида чоп этилган нашр.

Ўқув қўлланмада муайян мавзулар дарсликка нисбатан кенгрок ёритилади. Масалан, «Механика» физика фанининг механика қисмига бағишланган ўқув қўлланма, «Физикадан масалалар тўплами» - физика фани бўйича масала ва масиқлар ечишга мўлжалланган ўқув қўлланма ва ҳоказо.

Луғат - аниқ бир тартибда жойлашган сўзлар (ёки сўз бирикмаси ва ҳоказо) тўплами, уларнинг мазмуни, ишлатилиши, келиб чиқиши, бошқа тилдаги таржимаси тўғрисида маълумот берувчи ёки сўзнинг тушунчаси, у билан белгиланувчи предметлар хақида ахборот берувчи таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси асосида чоп этилган нашр.

Изохли луғат - сўзларнинг мазмунини изоҳлайдиган, ҳар бир сўзнинг грамматик, этимологик ва стилистик тавсифи берилган, уларни қўллашга оид мисоллар ва бошқа маълумотлар келтирилган, кўшимча адабиёт сифатида фойдаланиладиган таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси асосида чоп этилган нашр.

Маълумотлар тўплами - фойдаланишга қулай шаклда яратилган муайян фанни ёки таълим йўналишини ўзлаштириш учун зарур бўлган, исбот талаб қилмайдиган маълумотлар, илмий кўрсаткич ва ўлчамлар, турли белги ва рақамлардан, илмий, ижтимоий-сиёсий, амалий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги қисқа маълумот-

лардан ташкил топган таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси асосида чоп этилган нашр.

Маълумотлар тўпламида Бир қатор муҳим илмий-амалий масалаларни ечиш намуналари келтирилиши мумкин.

Маърузалар курси - фаннинг ўқув дастури бўйича маърузалар курсининг номи тегишли фан номи билан аталган, ундаги барча мавзуларнинг асосий мазмуни қисқа ёритилган, бирламчи янги билимларни олишга қаратилган, фойдаланиладиган асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар кўрсатилган, ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар туркуми, мавзуга тегишли таянч атама ва иборалар келтирилган таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси асосида чоп этилган нашр .

Маърузалар тўплами - муайян фаннинг ўқув дастури бўйича ундаги айрим мавзуларнинг асосий мазмуни қисқа ёритилган, бирламчи янги билимларни олишга қаратилган, фойдаланиладиган асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар кўрсатилган, ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар туркуми, мавзуга тегишли таянч атама ва иборалар келтирилган, даврий равишда илмий-тадқиқот изланишлар асосида янгиланиб туриладиган, таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси бўйича чиқариладиган кичик адабда нашр қилинган тарқатма материал.

Услубий кўрсатма - муайян фаннинг ўқув дастури бўйича курс ишлари (лойиҳалари), лаборатория ва амалий ишларни бажариш тартиби аниқ ва батафсил ифодаланган ҳамда ушбу фан бўйича талабаларда зарур амалий кўникмалар ҳосил қилишга мўлжалланган, таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси асосида нашр этиладиган кичик адабли тарқатма материал.

Услубий қўлланма - ўқитувчилар (профессор-ўқитувчилар) ва билим олувчилар учун мўлжалланган бўлиб, унда бир дарснинг мақсади, дарс ўтиш воситалари ва улардан фойдаланиш усуллари, дарснинг мазмуни, амалий машғулотлар, қўшимча топшириқлар ва бошқалар ҳақида тавсиялар баён қилинадиган, таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси асосида чоп этиладиган нашр.

Шарх - жамият тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этадиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек. баҳсга лойиқ асарлар-

ни, ғояларни, фикрларни ва таърифларни изоҳловчи. муайян масалалар ечи мин и кўрсатувчи. кенг оммага мўлжалланган кўшимча адабиёт си фати да фойдаланиладиган нашр.

Дайжест - илмий, илмий-услубий, ўқув. даврий адабиётлар, ҳукумат ва турли ташкилотлар фаолиятига тегишли қонунлар, қарорлар. низомлар мазмунининг қис қача баёни ва шарҳи келтирилган, соҳаларга оид маълумотлар тўплами сифатида фойдаланиладиган доимий нашр.

Электрон дарслик - компьютер технологиясига асосланган ўқув услубини қўллашга, мустақил таълим олишга ҳамда фанга оид ўқув материаллар, илмий маълумотларнинг ҳар томонлама самарали ўзлаштиришга мўлжалланган бўлиб:

- ўқув ва илмий материаллар фақат вербал (матн) шаклда;
- ўқув материаллар вербал (матн) ва икки ўлчамли график шаклда;

- мультимедиа (кўп ахборотли) қўлланмалар, яъни маълумот уч ўлчамли график кўринишда, овозли, видео, анимация ва қисман вербал (матн) шаклда;

- тактил (хис қилинувчи, сезиладиган) хусусиятли, ўқувчини «экран оламида» стерео нусхаси тасвирланган реал оламга кириши ва ундаги объектларга нисбатан ҳаракатланиш тасаввурини яратадиган шаклда ифодаланади.

Маълумотлар банки - ахборот технологияларнинг имконияти ва воситалари асосида яратилган. Статик ва динамик режимда тузилган, товуш ва рангли тасвирлар билан таъминланган. катта ҳажмдаги ахборотларни ўз ичига қамраб олган ва уларни турли кўринишда (жадвал, диаграмма, гистограмма, матн, расм ва ҳоказо) бера оладиган. ўқув жараёнида билим олувчилар томонидан ўз устида мустақил ишлаши ва ўз билимларини назорат қилиши учун қўлланиладиган. доимий равишда тўлдириб бориладиган, кенг доирада фойдаланишга мўлжалланган, тегишли ваколатли давлат ташкилотига қайд этилган соҳалар бўйича маълумотлар тўплами.

Методик тавсиялар - таълим ва тарбиянинг самарали усуллари ни амалда тадбиқ этиш бўйича қисқа ва аниқ раён этилган таклифлар мажмуидан иборат методик нашр. Методик тавсияларда ўқув жараёнига ўқитишнинг интерактив усуллари, педагогик технологиялардан

амалда фойдаланиш буйича тавсиялар назарий жиҳатдан эмас, балки кўпроқ амалий намуналар асосида босқичма-босқич берилиши мақсадга мувофиқ.

Монография - илмий тадқиқотлар натижалари асосида яратилган босма нашр.

Электрон нашр (ЭН) - бу графикли, матнли, рақамли, нутқли, мусиқали, видеофото ва бошқа ахборот объектларидан иборат бўлган жамланмаси ҳисобланади. ЭН магнитли (магнит тасмаларда, магнит дисklarда), оптик (CD-ROM, CD-I, CDQ, CD-R, CD-RW, DVD) электрон ахборот ташувчи воситаларида ҳамда компьютер тармоғида тақдим этилиши мумкин:

Электрон ўқув наشري - таълим олувчилар томонидан билимлар, кўникмалар ва маҳоратларни ижодий ва фаол эгаллашларини таъминлайдиган илмий-амалий билим соҳасига мос равишдаги тизимлаштирилган ўқув материалга эга бўлган электрон нашр.

Электрон луғат - анъанавий «қоғозли» луғатга мос келувчи электрон ахборот манбаи. Компьютер версияда сўз ёки сўзлар гуруҳига махсус ажратилган кўрсатма билан исталган дастурдан чиқарилиши мумкин. Анъанавий луғатлардан фарқли равишда электрон луғат магн ва графикавий тасвирлар билан бир қаторда видео ва анимацион лавҳалар, товуш, мусиқа ва бошқалар билан бирга медиа-объектларнинг бутун спектрларини ўз ичига олиши мумкин.

Электрон услубий қўлланма - педагогик тажрибани умумлаштириш ва узатиш ҳамда таълим фаолиятининг янги моделларини шакллантириш ва тарқатиш шакли. Электрон услубий қўлланмада педагогик тажриба машғулотларнинг рақамлаштирилган видеолавҳалари, электрон ёки унга ўтирилган шаклда яратилган ўқувчилар ишларини дарслар буйича режалаштирилган шаклида кўрсатилади.

Электрон ўқув қўлланма - фаннинг ўқув ҳажмини қисман ёки тўлиқ камраган ва ахборотнинг адаптация блокларини ўз ичига олган бўлиб, масофавий ўқитиш ва мустақил ўрганиш учун мўлжалланган.

Электрон маъруза - интерактив элементлар ва гиперузатишларни қўллаб, ўқув фани маъруза материалларини намойиш қилувчи мультимедек тизим.

Toshkent Axborot Texnologiyalar Universiteti

18454/4

Axborot Resurs Markazi

VI. Ўқув адабиётларига қўйиладиган талаблар

6.1. Умумий талаблар

Таълим турларининг хусусиятларидан ва нашр шаклидан қатъий назар барча ўқув адабиётлар қўйидаги умумий талабларга жавоб бериши керак:

- давлат таълим стандартлари (давлат талаблари) асосида тайёрланиши;

- таълим-тарбия жараёнига ҳамкорлик педагогикаси ва ўқишнинг интерактив услубларини тадбиқ қилишда кўмак бериши;

- тегишли ўқув фанининг назарий ва амалий ривожланишида, узок ва яқин ўтмишдаги бой интеллектуал меросимизнинг ўрни ва аҳамиятини кўрсатиши;

- интеллектуал инсонпарварлик ғояларининг акс эттирилиши, инсоннинг табиат ва ижтимоий ҳаётда ўта масъулиятлилигини англашга қаратилиши;

- ватанпарварлик ва миллий ғурур хиссини шакллантириши, мустикал ва ижодий фикрлашга йўналтириши; маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириши, таълим ва тарбия узвийлигини таъминлаши;

- билимларни онгли равишда ўзлаштириш, кизиқиш уйғота оладиган ва мустикал фикрлашга йўналтира оладиган хусусиятларга эга бўлиши;

- билим олувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қаратилиши, мустикал таълим олишга кизиқиш уйғотиши;

- юқори даражада умумлаштирилган ва замонавий илмий билимларга асосланган маълумотлар (конунлар, айниятлар, таснифлар ва хоказо) дан ташкил топиши; иллюстрацияларга бой, кўرғазмали тасвир ва бадиий-устубий жиҳатдан амалий фаолиятга қаратилган бўлиши;

- билим олувчиларнинг ёши психо-физиологик хусусиятларини ҳисобга олиши;

- билимларнинг мутлоқлиги ва нисбийлигини ёрқин ифодалашини;

- таълим олувчиларнинг билими, укуви ва кўникмаларини назорат қилиш имкониятига эга бўлиши;

- таълим ва тарбияни ижтимоий ҳаёт, унумли меҳнат билан узвий боғланишига эътибор берилиши;

- фан ва техника ютуқларининг аҳамиятини ифодалаш, илмий масалаларнинг мантиқий жетма-кетликда, фаннинг ўқув дастурига мувофиқ баён этилиши;

- яхлитликни идрок қилиш ҳисси шаклланиши учун барча маълумотлар мантиқий бириктирилган ҳолда берилиши;

- матн жозибаси шаклда баён этилиши.

Асосий тушунча ва хулосаларнинг таърифлари ниҳоятда аниқ ва равшан ёзилиши, атамаларнинг умумийлигига эришилиши.

Санаб ўтилганлардан ташқари ҳар бир таълим турининг ўқув адабиётларига ўзига хос бўлган талаблар қўйилади.

- ўқув дастурига тўла мос келадиган ва ундаги мавзуларни тўлалигича қамраб оладиган шаклда ёзиш;

- мавзуларнинг соддадан мураккабга томон ўсишини, ҳамда ўзаро боғлиқлигини таъминлаш;

- расмлар, графиклар, жадваллар, схема ва диаграммалар берилган маълумотлар ва тушунтиришлар билан узвий боғланган бўлиши керак:

- дарсликдаги такрорланувчи тушунчаларга ва риоя қилиниши керак бўлган қоидаларга эътиборни жалб этиш мақсадида махсус белгилардан фойдаланиш зарур.

- фан, техника ва технологияларнинг энг сўнгги ютуқларини инобатга олиниши;

- Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидаги ўқувчиларнинг билимга бўлган эҳтиёжларини ва миллий хусусиятлар, турли маданиятларнинг ҳисобга олиниши;

- ўқувчилар ёши, савияси ва психо-физиологик хусусиятларини инобатга олиниши, ўғил ва қизларнинг қизиқишларини тенг равишда ва тўла даражада ҳисобга олиш каби онгли тарзда тузилган мисоллар ва далиллар маъжудлиги.

6.2. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимидаги ўқув адабиётларга қуйидаги қўшимча талаблар қўйилади:

-касбга кизиқишни кучайтириш, уни мустахкам эгаллашга ва замонавий билимлар асосида ракобатбардош мутахассислар чиқишини таъминлаши;

-мустақил ва эркин фикр юритиш. масъулиятли қарорлар қабул қилишга қодир бўлган шахсларни тарбиялаши;

-қайси фанга тегишлилигидан қатъий назар назарий билимлар амалиёт билан кенг боғлиқлигини таъминланиши;

-ўқувчида яхлитликни идрок қилиш ҳисси шаклланиши учун барча маълумотлар мантикий бир тизимда берилиши:

-муайян фан соҳасига хос хусусиятлардан келиб чиқиб, эстетик ва дизайн кўрсаткичларда илм-фан ютуқларини тасвирлайдиган кўرғазмали маълумотлар-қурилма, аппаратлар ёки уларнинг маълум қисмлари ва бошқалар турли рангда берилишига эътибор қаратилиши.

-магнни тушунарли ва мантикий усулда тузиш, ўрганиш жараёнини осонлаштириш учун расмлар, схемалар ва чизмаларни қўшиб жойлаштириш;

-дарсликда ўрганиладиган мавзу ва машғулотлар гуруҳда ўқувчиларнинг турлича қобилиятли эканликларини инобатга олган ҳолда берилиши лозим;

-ўқу в материалда ўқувчиларни фаол бўлишга ва танкидий фикрлашга ундовчи ва уларнинг қизиқишларини ўзига жалб қиладиган жиҳатларнинг мавжуд бўлиши:

-фанлараро ва фан ичида ўзаро боғлиқликни таъминланиши;

-ўқувчилар мустақил ишлари учун амалий топшириқлар, машқлар, лойиҳалар билан таъминланиши:

-магнда атроф-муҳит. унинг ифлосланиш ва жамият саломатлиги муаммолари ҳамда уларни ҳал қилиш йўллари ақс этирилиши;

-топшириқлар ва вазифалар кенг қўламли ўқувчилар бажарадиган амалий ишларни жуфтликда ёки кичик гуруҳларда ташкил этиш и мқониятини бериш;

-ўқу в материалларининг, далиллардан намуналарга, намуналардан фаразга, фараздан-изланишга, изланишдан-амалий қўллашга, абстракт илмий билимдан-аниқ касбий билимга, билимдан-амалий қўни кмагга ўтишга йўналтирилганлиги;

-касбий характерга эга бўлган ва мустақил ишлашлари учун

мўлжалланган муаммоли саволлар, топшириклар, машқлар, лойиҳалар билан таъминланиши.

6.3. Олий таълим

Олий таълимнинг бакалаврият ва магистратура босқичларида ўқитиладиган фанлар ва уларга тегишли ўқув адабиётларнинг мазмун-моҳияти ниҳоятда чуқур илмий-услубий, юкори сифат кўрсаткичларда бўлиши тақозо этилади:

-ўқув адабиётларидаги ҳар бир боб ёки мавзунинг мазмуни тушунарли, илмий ғоя ва тушунчалар моҳияти аниқ ва равшан баён этилиши;

-матнни хотирада сақлашни осонлаштириш, мавзулар ихчам чизмалар, турли тасвирий ифодалар, жадвал ҳамда расмлар билан таъминланиши;

-аниқ ва табиий фанлар бўйича илмий тушунча ва ғоялар, қонуни ва қонуниятлар, тарихий ҳодиса ва ижтимоий жараёнларнинг ҳаётийлиги;

-тахлили муносабатнинг етарли даражада бўлиши;

-муаллиф ва талаба ўртасида фикрларнинг мантикий баёни жараёнида ўзаро боғлиқлик таъминланиши;

-мавзуларнинг бир-бирига мантиқан боғлиқлиги ва кетма-кетлигининг сақланиши;

-дарсликда амалий ва тажриба машғулотларни бажариш ҳамда машқларни ечиш бўйича услубий кўрсатмалар берилиши, матн, иллюстрация ва графиклар ёрдамида билим олиш орқали кенгайтирилган амалий кўникмаларни шакллантириш имконияти бўлиши лозим.

-ўқув мақсадлари ва вазифаларининг аниқ белгиланиши;

-назарий ва амалий мазмуннинг ўзаро мақбул ва боғлиқ ҳолда тақсимланиши;

-фанлараро ва фан ичида ўзаро боғлиқликни таъминланиши;

-мазмун жуда ишончли ва салоҳият билан ёритилиши керакки, унда муаллифларнинг фан, техника ва технологиялар сўнгги ютуқларидан фойдаланганлиги кўриниб турсин;

-мазмун далиллардан намуналарга, намунадан-фаразга, фараздан-изланишга, изланишдан-амалий қўллашга, абстракт-илмий билимдан-аниқ касбий билимга, билимдан-амалий кўникмага ўтишни таъминланиши;

- фанни ўқитиш технологияси ёки методикасига мос келиши;
- ўқув материалларида агроф-муҳит, ифлосланиш ва уни тозалашнинг ҳал қилиш йўллари ақс эттирилиши;
- топшириқлар ва лойиҳалар талабаларни индивидуал ёки кичик гуруҳларда ишлаш имкониятини бериш;
- тасвирий материаллардан максимал фойдаланиш, динамик жа- раёнларни ўрганишни осонлаштириш мақсадида электрон таълим воситаларини (мультимедиа, анимация, виртуал стендлар ва х.к.) дарсликка қўшимча материал сифатида илова қилиш;
- ўқув материалларида талабаларни фаол бўлиш ва танқидий фикрлашга ундаш ва уларнинг фанга бўлган қизиқишларини кучай- тирувчи жиҳатларининг мавжуд бўлиши;
- талабаларнинг ўз билим ва қўникмаларини текширишлари учун назорат саволлари ва тестлар билан таъминланиши, уларнинг дастурлаштирилган электрон версияларини қўшимча материаллар таркибига киритиш;
- касбий характерга эга бўлган ва талабалар мустақил ишлашлар- ри учун мўлжалланган муаммоли саволлар, топшириқлар, машқлар, лойиҳалар билан таъминланиши;
- замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдала- ниш имкониятларининг яратилиши.

6.4. Олий таълимдан кейинги таълим

- Жамиятнинг юқори малакали илмий ва илмий-педагогик кад- рларга бўлган эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган бўлганлигини инобатга олиб, ушбу таълим туридаги ўқув адабиётлари (олий таъ- лимда қўлланиладиган адабиётлар билан биргаликда даврий-илмий, илмий-услубий нашрлар, илмий монографиялар, шарҳлар, дайжест- лар, таржима адабиётлар) қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:
- илм-фаннинг сўнгги ютуқлари ёритилиши;
 - илмий тадқиқотларни талаб даражасида олиб боришга хизмат қилиши;
 - тегишли соҳа менежментига оид стратегик вазифаларни ўзида ақс эттирилиши;
 - маънавий-маърифий ва ўқув-тарбиявий фаолиятни илмий асосда олиб боришга қаратилиши;

- фанга тегишли сўнги муҳим илмий натижаларнинг берилиши;
- фанга тегишли илмий тадқиқот методларнинг тавсия этилиши;
- тадқиқот орқали билим олишга имконият яратиши;
- экспериментал тажрибалар ўтказиш ва натижаларига математик ишлов бериш услублари баён этилиши.

6.5. Кадрлар маънавиятини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш

Касбий билимлар ва кўникмаларни чуқурлаштириш, малакаларни мустаҳкамлаш ва янгилашга мўлжалланган мазкур таълим турида ўқув адабиётларга қуйидаги талаблар қўйилади:

- тегишли соҳалар бўйича маълумотларга бой, энциклопедик характерда ва кичик ададли махсус таркатма материал шаклида бўлиши;

- муайян соҳа бўйича илм-фаннинг ва ишлаб чиқариш технологияларининг сўнги ютуқлари ёритилиши;

- тегишли соҳа менежментига оид стратегик вазифалар ёритилиши;

- илмий-педагогик, маънавий-маърифий, ўқув-тарбиявий фаолиятни илмий асосда ташкил этиш ва олиб боришга қаратилиши;

- касбий маҳорат, билимлар ва кўникмаларни ошириш, чуқурлаштириш ҳамда янгилашга хизмат қилиши.

Ўқув материалининг модулли ёндашув ёки муаммоли асосида тақдим этилиши:

- замонавий педагогик технологиялар ва методикалардан фойдаланиш;

- қўшимча электрон манбаларга эга бўлиши;

- лойihalар, илмий ва ижодий характердаги топшириқлар, экспериментал тажрибаларга бой бўлиши.

VII. Дарсликларнинг асосий функциялари

Олий ва ўрта махсус, касб-хунара таълими тизими учун яратилган дарсликлар қуйидаги асосий функцияларни рўёбга чиқаришга қаратилган бўлиши керак.

7.1. Ахборий функция. Таълим оловчи муайян фан бўйича эгаллаши мажбурий бўлган билим ва кўникмалар мазмунини камраб олганлиги.

7.2. Тизимловчи функция. Ўқув фани мазмуни тизимланган шаклда катъий кетма-кетликда ва изчилликда оддийдан мураккабга риоя қилинган ҳолда баён қилинишини таъминлаши.

7.3. Мувофиқлаштирувчи функция. Дарсликнинг бу функцияси ўқув материални лойиҳалаш жараёнида бошқа ўқув манбаларида келтирилган материалларни ўрганиш, улар орасида узвийликни таъминлаш, ахборот оқими тез ўзлаштириш ва олган билимларини чуқурлаштириш ҳамда амалий фаолият жараёнида қўллаш йўлларини топишни камраб олади.

7.4. Мутахассисликка йўналтирилганлик функцияси. Дарсликнинг мазмуни ўқувчи-талабанинг мутахассислик бўйича ишлаб чиқариш жараёнлари, объектлари, техника ва технологиялар тўғрисидаги асосий фундаментал тушунча ва билимга эга бўлишини таъминлаши ҳамда келажакда уларга таяниб янги маълумотларни мустақил таҳлил қилиш ва ўзлаштириш қўникмаларини шакллантиришга қаратилиши.

7.5. Дидактик функцияси. Таълим олувчининг қобилияти ва эҳтиёжига мос равишда ўқув материални мустақил ўзлаштиришга ҳамда асосий мазмунни ажратиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш ва ҳулосалаш қўникмаларини шакллантириш учун хизмат қилади.

7.6. Ўзлаштирган билимларни мустаҳкамлаш ва ўз-ўзини назорат қилиш функцияси. Таълим олувчининг ўқитувчи раҳбарлигида ёки мустақил тарзда дарсликдаги назорат саволлари, тест материалларидан фойдаланиб ўзининг билимини текшириши, ҳамда билимига таянган ҳолда амалий машғулотларни бажара олишига қаратилган фаолиятларга кўмаклашишдан иборатдир.

7.7. Талабаларни мустақил таълим олишга қизиқтириш ва ижодкорликка ундовчи функцияси. Таълим олувчиларда мустақил тарзда таълим олишга бўлган иштиёқ, эҳтиёж ва заруриятни уйғотиши, етишмайдиган билимларни мустақил тарзда тўлдиришга ёрдам беришга йўналтирилган. Ушбу функция таълим олувчиларга

мустақил равишда бажариши лозим бўлган лойиҳалар, муаммоли саволлар ва топшириқлар берилтиши орқали уларда изланувчанлик қобилиятларини ривожлантириш тарзида амалга оширилади.

7.8. Ривожлантирувчи–тарбияловчи функцияси. Ўқув материаллари асосида шахснинг давлат ва халқига эътиқодни, маънавий–инсоний ҳислатларни, ватанпарварликни, меҳнатсеварлик каби бошқа ижобий ҳислатларнинг фаол шаклланишига кўмак беришдан иборат.

VIII. Электрон ўқув адабиётларини яратиш тамойиллари, боسقичлари ва уларга қўйиладиган талаблар

8.1. Электрон дарсликларни яратиш тамойиллари

8.1.1. Модуллилик тамойили: Ўқув материални ҳажми бўйича кичик, аммо таркиби бўйича бир бутун бўлган модуллардан (бўлимлардан) иборат бўлган бўлақларга бўлиб чиқиш лозим.

8.1.2. Тузлилик тамойили: Ҳар бир яратилаётган бўлим (модул) қуйидаги ташкил этувчи ҳадлардан: назарий қисмдан, назарий билимларни текшириш бўйича тузилган назорат саволлари, тестлар, мустақил ечиш учун топшириқ ва амалий кўникмаларни ўрганишга йўналтирилган машқлардан, тажрибалар ва тарихий шарҳлардан иборат бўлиши керак.

8.1.3. Кўрғазмалилик тамойили: Ҳар бир бўлимда (модулда) янги тушунчалар, фикрлар ҳамда услубларни тушунарли ва эслаб қолишни енгиллаштирувчи матнлар ҳажми ўлчамлари кичик бўлган кадрларнинг кетма-кетлигидан иборат бўлиши керак.

8.1.4. Тармоқланиш тамойили: Ҳар бир бўлимлардан (модуллардан) гиперматнли ҳаволалар орқали бошқа бўлимларни шундай ўзаро боғлаш керакки унда фойдаланувчи исталган пайтда бошқа бўлимларга бемалол ўтишни танлаш имконияти бўлсин. Тармоқланиш тамойили ўрганилаётган ўқув предмети материалла-

рини чекламасада. Балки фанни боскичма-боскич ўзлаштириб боришни кўзда тутати.

8.1.5. Бошқарувчанлик тамойили: Таълим олувчилар экран кадрларининг алмашувини ўзлари мустақил бошқара олишлари, исталган мавзу ёки маълумотларни, тушунчалар, фикрлар, иллюстрация материаллари ва мултимедияларни экранга чиқариш имконига эга бўлиши керак. Ўқувчиларга ўзларининг билим ва кўникмаларини назорат саволлари ва тестларга жавоб бериб ва амалий машгулотларни бажарган ҳолда текшириб кўриши каби имкониятлар яратилган бўлади.

8.1.6. Кўникувчанлик тамойили: Электрон дарслик ўқув жараёнида аниқ фойдаланувчи эҳтиёжларига кўникаб боришини таъминлаши, ўрганилаётган материалнинг чуқурлиги ва мураккаблигини ҳамда таълим олувчининг келгуси таълим боскичига боғлиқ ҳолда амалий йўналтирилганлигини ўзгартириб боришга имконият яратиши керак. Фойдаланувчилар ўз эҳтиёжларига кўра кўшимча иллюстрация материалларини юзага келтира олишлари, ўрганилаётган тушунчаларни графикавий ва геометрик жиҳатдан талқин қила олишлари лозим.

8.1.7. Компьютерли кўлаб қувватлаш тамойили: Бу тамойилда таълим олувчилар ўрганиш жараёнининг исталган пайтида ўқув материалининг моҳиятига ўзига диккатни жалб этишга ундовчи топшириқ ва масалаларни қараб чиқиш ҳамда уларни бажаришда компьютердан фойдаланишлари керак. Компьютер нафакат мураккаб алмаштириш амалларини, турли хил ҳисоблашларни ва графикларни тузиб чиқиши, расм ва схемаларни чизиш балки турли хил мураккаб даражадаги амалларни бажариши лозим. Олдиндан ўрганилган ҳамда олинган натижаларни нафакат жавоб бериш босқичида балки ихтиёрий ҳолатларда ҳам текшириб кўриш лозим.

8.1.8. Йиғилувчанлик тамойили: Электрон дарсликни янги бўлимлар ва мавзулар, фан ва техника янгиликлари билан кенгайтириб ва тўлдириб боришга имкон бериши ҳамда махсус ва алоҳида

фанлар бўйича электрон кутубхоналарни ёки таълим олувчилар, (у ўқиётган мутахассислик ва курсга мос ҳолда) ўқитувчиларнинг ёки тадқиқотчиларнинг хусусий электрон кутубхоналарини шакллантириши керак.

8.2. Электрон дарсликка қўйиладиган асосий талаблар

Электрон дарсликни яратиш жараёнида дидактик, услубий, психологик-педагогик, техник-технологик, эстетик ва эргономик талаблар қўйилади. Қуйида электрон дарсликка бўлган умумий талаблар келтирилган:

8.2.1. Электрон дарсликнинг тузилмаси ва мазмуни ўқув материални чуқур ўрган ишга мўлжаллаш билан бир вақтда ўрганилаётган фаннинг ўқув дастурига мос келиши керак.

8.2.2. Ўқитишда илмийликни, фан, техника ва технологияларни сўнгги ютуқларини ҳисобга олинишида ўқув материали мазмунининг етарлича чуқурлигини, ишончлилигини таъминлайди. Ўқув материални электрон дарслик ёрдамида ўзлаштириш жараёни ўқитишнинг замонавий усуллари билан мос равишда қурилиши керак. Масалан; тажриба, эксперимент, солиштириш, кузатиш, абстракклаш, умумлаштириш, яхлитлаштириш, ўхшашлик, таҳлил ва синтез, моделлаштириш услуби, шу билан бирга математик моделлаштириш, шунингдек тизимли таҳлил услуби.

8.2.3. Ўқитишнинг эришувчанлик талаблари - электрон дарслик воситасида амалга оширилади ва таълим олувчиларнинг ёши ҳамда индивидуал хусусиятларига хос ўқув материални ўрганишнинг мураккаблик ва чуқурлик даражасини аниқлаш заруриятини билдиради. Ўқув материални ҳаддан зиёд мураккаблаштириш ва ортиқча юклаш мумкин эмас, унда таълим олувчи бу материални эгаллашга ожизлик қилади.

8.2.4. Ўқитишнинг муаммовийлигини таъминлаш талаблари. Агар таълим олувчи муаммоли топшириқлар ва машқларни бажаришга ҳаракат қилса, унинг фикрлаш фаоллиги ўсади. Ушбу дидактик талабнинг электрон дарслик ёрдамида бажарилиш даражаси, анъанавий дарсликлар ва қўлланмалардан кўра, сезиларли равишда юқори бўлади.

8.2.5. Ўқитишнинг кўргазмалиллигини таъминлаш талаблари, таълим олувчилар томонидан ўрганилаётган объектлар, уларнинг макетлари ёки моделларини сезгили қабул қилиш ва шахсан кузатишини ҳи собға олиш заруриятини билдиради.

8.2.6. Ўқитишни онглилигини, таълим олувчининг му стақиллиги ва фаоллигини таъминлаш талаблари - ўқув фаолиятининг якуний мақсад ва вазифаларига эришишда ўқув ахборотини жалб қилиш бўйича таълим олувчиларнинг му стақил ва ижодий ишлашлари учун электрон дарслик ва воситалари билан таъминлашни кўзда туғади.

8.2.7. Электрон дарсликдан фойдаланишда ўқитишнинг тизимлилиги ва кетма-кетлиги талаблари - ўрганиладиган фан соҳасида билимлар ва кўникмаларнинг маълум тизимининг таълим олувчилар томонидан ўзлаштирилиши кетма-кетлигини таъминланишини билдиради. Билим, кўникма ва маҳорат - таълим тизимида мангиқий тартибда шаклланиши ва ҳаётда қўлланилишда ўз ўрнини топиши зарур.

8.2.8. Электрон дарсликдан фойдаланишда билимларни ўзлаштириш мустаҳкамлиги таълим олувчиларнинг ўқув материалини мустаҳкам ўзлаштиришлари учун, уларни чуқур фикрлаш, хотирада сақлаш каби қобилиятларини ривожлантириш қатга ахамиятга эға.

8.2.9. Электрон дарсликда ўқитишнинг ривожлантирувчи ва тарбиявий функциялари бажарилиши керак.

8.2.10. Электрон дарсликнинг мазмуни ва таркиби таълим стандартининг талабларига мос қилиши керак.

8.2.11. Электрон дарслик ўқув фаолиятининг излаш, йиғиш, сақлаш, таҳлил, ишлов бериш каби кўринишларини автоматлаштиришни; ҳи соблашларни, лойиҳалаш ва конструкциялашни, тажриба, экспериментнинг натижаларига ишлов беришни, назорат топшириқларни, ахборотли ишлов беришни автоматлаштиришни кўзда тутиши керак.

8.2.12. Электрон дарслик мураккаб объектлар (машина, ускуна, аппарат, мослама ва х.) ишининг имитациясини, турли хилдаги жараёнларни реал, тезлаштирилган ёки секинлаштирилган вақт масштабида ўтиш воситаларини таркибида сақлаши керак.

8.2.13. Электрон дарсликнинг тренинг воситалари- таълим олувчини келажакдаги касбий фаолиятига боғлиқ ҳолда виртуал муҳитда тайёрлашни амалга ошириш керак.

8.3. Электрон дарсликка ўзига хос қўйидаги дидактик талаблар қўйилади

8.3.1. Мослашувчанлик талаблари- электрон дарслик таълим олувчи индивидуал имкониятларига, яъни ўқитиш жараёнида таълим олувчи билимлари, кўникмалари ва психологик хусусиятларига мослаштирилган бўлиши керак.

8.3.2. Ўқитишнинг интерфаоллик талабларига ўқитиш жараёнида таълим олувчи билан электрон дарсликнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш киради. Электрон дарслик воситалари интерфаол мулоқот ва тескари алоқани таъминлаши керак. Мулоқотни ташкил этишнинг муҳим қисми бўлиб, фойдаланувчи ҳаракатига электрон дарсликнинг реакцияси ҳисобланади. Тескари алоқа назоратни амалга оширади, кейинги бажариладиган ишлар бўйича тавсиялар беради, маълумотнома ва тушунтирувчи ахборотларга доимий киришishни амалга оширади.

8.3.3. Электрон дарсликнинг ўқув ахборотини тақдим қилишида компьютерви зуаллаштириш имкониятларини жорий қилиш талаблари. Заъонавий электрон воситалар имкониятлари ва электрон дарсликда ўқув ахборотини намойиш қилиш сифатини таҳлил қилишни кўзда тутди.

8.3.4. Электрон дарслик билан ишлашда таълим олувчининг интеллектуал қобилиятини ривожлантириш талаблари. Фикрлаш, мураккаб вазиятларда мустақил қарорлар қабул қила олиш маҳорати, ахборотга ишлов бериш бўйича кўникмаларни шакллантиришни кўзда тутди.

8.3.5. Электрон дарслик-ўқув материални намойиш қилишнинг тизимлилик ва функционал боғлиқлиги талабларини бажариши керак.

8.3.6. Электрон дарслик-таълим беришнинг тўлиқлиги ва узлуксизлигини таъминлаши керак.

8.3.7. Электрон дарслик ўзида муаммоли ва изланиш топшириқларининг интеллектуал ўргатувчи тизимига эга бўлиши керак.

Электрон дарсликларга қўйиладиган дидактик талаблар билан услубий талаблар узвий боғлиқдир. Услубий талаблар электрон дарсликка мўлжалланган ўқув фанининг ўзига хослиги ва хусусиятларини, унинг қонуниятларини изланиш усулларини, ахборотга

ишлов беришнинг замонавий усуллари жорий қилиш имкониятларини ҳисобга олишни кўзда тутади.

8.4. Электрон дарслик қуйидаги услубий талабларни қониқтириши керак

8.4.1. Электрон дарслик-ўқув материални тақдим этишнинг тушунчали, образли ва ҳаракатли компонентларининг ўзаро боғлиқлигига таянган ҳолда қурилиши керак.

8.4.2. Электрон дарслик ўқув материални юқори тартибли тузилма қўринишида таъминлаши керак. Фанлараро мантикий ўзаро боғлиқлик ҳисобга олиниши керак.

8.4.3. Электрон дарсликда таълим олувчига ўқув материални босқичма-босқич ўзлаштириш учун ошириш турли ҳилдаги назоратларни амалга ошириш имконияти яратилиши керак.

8.4.4. Электрон дарсликда барча амалга ошириладиган ҳисоблашлар визуаллаштиришнинг очик тизимига эга бўлиши. ўзгарувчан ўрганиладиган объектлар ёки жараёнларнинг боғлиқлиги намоён қилиниши керак.

8.5. Электрон дарсликка қўйиладиган психологик талаблар

8.5.1. Электрон дарсликда ўқув материални намоён қилиш нафақат вербал, балки когнитив жараённинг сенсорлик ва намоён қилиш ҳолатларига ҳам мос қилиниши керак. Электрон дарслик қабул қилиш, диққат фикрлаш, тасаввур қилиш, хотира сақлаш каби психологик жараёнлари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши керак.

8.5.2. Электрон дарсликдаги ўқув материали таълим олувчиларнинг ёшини, таянч билимларини инобатга олиб тузилиши керак.

8.5.3. Электрон дарслик образли ва мантикий фикрлашни ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши керак.

8.5.4. Ўқитишнинг кўргазмалиллигини таъминлаш талаблари. талабалар томонидан ўрганилаётган объектлар, уларнинг макетлари ёки моделларини сезгили қабул қилиши ва шахсан кузатишини ҳисобга олиш заруриятини билдиради.

Электрон дарсликларга қўйиладиган техник, технологик талаблар:

- локал ва бошқа ташқи ахборот ташувчиларда ва тармоқли тартиботда ҳаракатланиши;

- мультимедия ва телекоммуникацион технологияларнинг замонавий воситаларини максимал қўллаш;

- ишлаш қобилиятининг пухталиги ва турғунлиги;

- гетерогенлиги (электрон дарслик спецификациясида кўзда тутилган турли хилдаги компьютерли ва бошқа шунга ўхшаш воситаларида турғун ишлаши);

- нуқсонларга турғунлиги;

- ресурслардан самарали ва тўғри фойдаланиш;

- тестлаштирилганлиги.

Электрон дарсликнинг турли хилдаги кўринишларига нисбатан махсус технологик талаблар қўлланиши мумкин.

- турли хилдаги электрон ташувчиларни қўллаш имконияти;

- электрон ва қоғозли ташувчиларни комбинациялаштириш имконияти;

- локал ва тармоқли тартиботда ишлаш имконияти;

- тармоқда физик локаллаштирилган ва тарқатилган компонентларнинг миқдори;

- ўқитишни бошқариш жараёни ва умумий ахборот базаларининг воситалари миқдори;

- жамоавий ишларни ташкил қилиш воситалари миқдори (ўқитувчи ёки бошқа таълим олувчилар билан тескари алоқа);

8.6. Электрон дарсликни ишлаб чиқиш босқичлари

Электрон дарсликларни яратишда қуйидаги босқичларга амал қилиш тавсия этилади:

- Фанга оид манбаларни танлаб олиш;

- Манбалардан фойдаланиш ва қайта ишлаш ҳуқуқи тўғрисида шартномалар тузиш;

- Мундарижа ва тушунчалар рўйхатини ишлаб чиқиш;

- Бўлимлардаги (модуллардаги) матнларни қайта ишлаш ва ёрдам бериш бўлимини тузиш;

- Гиператни электрон шаклда амалга ошириш;

- Компьютерли қўллаб қувватланишини ишлаб чиқиш;

- Материалларни мультимедияли объектларга келтириш учун танлаб олиш;

- Товуш жўрлигида амалга ошишини ишлаб чиқиш ва тадбир этиш;

- Материални визуаллаштириш учун тайёрлаш;

- Электрон дарсликни фойдаланишга тайёрлаш;

- Ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш.

Электрон дарсликларни ишлаб чиқиш босқичма-босқич амалга оширилиши тавсия этилади.

Биринчи босқичда шундай чоп этилган ва электрон нашрларни манбалар сифатида танлаб олиш мақсадга мувофиқ бўлади, агар улар:

- Давлат таълим стандартлари бўйича тузилган дастурларга тўла мос келса;

- мукаммаллашган ва гипермагнлар яратиш учун қулай бўлса;

- кўп сондаги амалий машқ ва топшириқлардан ташкил топган бўлса;

- қулай бир тизимга келтирилган бўлса.

Иккинчи босқичда тўпланган манбалардан нарх ва сифат нисбати оптимал бўлганлари танлаб олинади.

Учинчи босқичда электрон дарсликнинг мундарижаси ишлаб чиқилади, яъни: материални ҳажми бўйича кичик (минимал) бўлган мавзулардан ташкил топган бўлимларга ажратиб чиқилади. аммо мазмуни бўйича муҳасаммаллашган. ҳамда фанни ўзлаштириш учун зарур ва етарли бўлган тушунчаларнинг рўйхати тузиб чиқилади.

Тўртинчи босқичда манбаларнинг матни тузилган мундарижага, индексга ва бўлим тузилмасига мос равишда қайта ишланган ўқизилади; рўйхатга киритилмаган матнлар олиб ташланади, бўлимлар (модуллар) ўртасидаги алоқалар ва бошқа гипермагнли боғланишлар аниқланади. Шундай қилиб, гипермагннинг лойиҳаси компьютерли амалга оширилиши учун тайёрланади.

Бешинчи босқичда гипермагнлар электрон шаклда амалга оширилади. Натижада ўқув мақсадларига эришиш учун фойдаланишга мўлжалланган оддий электрон нашр яратилади. Кўпчилик айнан шундай оддий электрон нашрларни электрон дарслик деб ҳам юрйтишади. У амалда ҳеч қачон электрон дарслик талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

Олтинчи боскичда компьютерли қўллаб қувватланиши ишлаб чиқилади яъни ҳар бир алоҳида ҳол учун ҳар қандай математик амаллар компьютерга юқланиши ва ундан жавоб қандай шаклда олиниши кераклиги аниқлан ади; электрон дарсликнинг интеллектуал ядроси лойиҳалан ади; фойдаланувчи учун электрон дарслик интеллектуал ядросини қўллаш бўйича кўрсатма ишлаб чиқилади.

Натижада ўқувчилар учун зарурий воситага айлантирувчи хоссаларга эга бўлган, аудитория машғулоти учун фойдали бўлган ва ўқитувчилар учун қўлай фойдаланишга тайёр бўлган электрон дарслик яратилади. Демак, электрон дарслик мультимедиа воситалари ёрдамида янада такомиллаштириш (овоз бериш ва визуаллаштириш) учун тайёр бўлади.

Еттинчи боскичда алоҳида тушунчалар ва фикрларни тушунтириш йўллари ўзгартирилади ва мультимедиа объектлар билан алмаштириш учун матнлар танлаб олинади.

Сақизинчи боскичда алоҳида бўлимлардаги (модуллардаги) матнларни экранда матнли ахборотлар тизилигидан ҳолос эттириш мақсадида уларни овоз билан жўр эттириш орқали таълим олувчиларнинг ўрганилаётган материалларни тушунишини енгиллаштиради.

Овоз жўрлигида ишлаб чиқилган матнлар диктофонга ёзиб олинади ва компьютерда амалга оширилади.

Тўққизинчи боскичда бўлимларни (модулларни) визуаллаштириш сценариялари ишлаб чиқилади. Янада кўргазмали бўлишига эришиш учун, экранни матнли маълумотлардан максимал тозалаш ва таълим олувчиларнинг эмоционал хотираларидан ўрганилаётган материалларни тушунишини енгиллаштириш учун эшитиш хотираларини ишлатиш керак бўлади.

Матнларни визуаллаштириш, яъни яратилган сценарияларни расмлар, графиклар ва анимациялар билан компьютерли гавдалантириш ишлари бажарилади.

Шу билан электрон дарсликни ишлаб чиқиш жараёни тугайди ва уни фойдаланишга тайёрлаш бошланади. Шунинг таъкидлаш жоизки, электрон дарслик фойдаланишга тайёрлашнинг таркибий ва мультимедияли ташкил этувчи ҳадларига баъзи бир ўзгартиришлар киритишни кўзда тутиши мумкин.

Ўнингчи боскичда электрон дарсликни фойдаланишга тайёрлаш. Электрон дарсликни фойдаланишга тайёрлаш жараёнида бажариладиган ишларнинг таркиби қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

- Синовдан ўтказиш;
- Ундан фойдаланиш бўйича услубий қўлланма ёзиш;
- Услубий қўлланмани ишлаб чиқиш;
- Электрон дарсликни расмий рўйхатдан ўтказиш;
- Патент идорасига расмий кайд этириш учун керакли

хужжатлар тўпламини тайёрлаш.

Ўн бинчи боскич. Электрон дарслик воситасида ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш. Ўшбу боскичда фанни электрон дарслик воситасида ўқитиш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқилади.

IX. Мустақил таълимни ўқитиш тизими

Мустақил таълимнинг мақсад ва вазифалари.

Мақсад:

Мустақил таълим олувчиларнинг мустақил таълим фаолиятида замонавий педагогик технология ва улар асосида яратилган интерфасол усуллардан фойдаланиши; мустақил таълимнинг барча шакллари ни янги техника ва технология ютуқларини ҳисобга олган ҳолда замонавий технологиялар асосида ташкил этиш ва амалга ошириш;

Мустақил таълим олувчиларда мустақил фикрлаш, ижодий қобилият ҳамда касбий маҳораглари ни замон талаби даражасида шакллантириш;

Мустақил таълимнинг ноанъанавий ўқиш ва илмий-тадқиқот ишлари билан узвий ҳамда узлуксиз алоқасини яратиш;

Мустақил таълим имкониятларини кенгайтириш; таълим олувчиларга мустақил таълим жараёнига нисбатан касбий, иқтисодий, тафаккур этиш, маънавий ва бошқа қизиқишларини уйғотиш; мустақил тарзда керакли маълумотларни йиғиш, муаммони аниқлаш, ечимларини қидириш; олинган билим, малака ва қўникмаларни танқидий таҳлил этиш ва уларни янги вазифаларни ҳал этишда қўллаш;

Мустақил таълимда мустақил ишлаш билан рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш; ташкилий, психологик-педагогик, ўқув-услубий, ахборот, моддий-техник таъминотни ўз ичига олувчи мустақил иш инфрактурасини яратиш;

Мустақил таълим - натижаларини баҳолаш тизимини яратиш.

Вазифаларни.

- Билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштириш куникмаларига эга бўлиш;

- Керакли маълумотларни излаб топишнинг қулай усул ва воситаларини аниқлаш;

- Ахборот манбаларидан самарали фойдаланиш;

- Электрон дарслик маълумотлар банкини яратиш;

- Берилган топшириқнинг муҳим ечимини белгилаш;

- Маълумотлар базасини таҳлил этиш;

- Иш натижалари ҳулосасини тайёрлаш ва қайта ишлаш;

- Топшириқларни бажаришга тизимли ва ижодий ёндашиш;

- Ишлаб чиқилган ечим, лойихани асослаш ва мутахассислар иштирокида ҳимоя қилиш;

- Педагогик технологияларни назарий ва амалий эгаллаш ҳамда шароитларини аниқлаш;

- Таълим берувчи ва таълим олувчилар ҳамкорлигидаги фаолиятнинг аниқлиги ва ошқоралиги.

Тақриф этилаётган Мустақил таълим тизимининг асосий мақсади – ўқитиш жараёнини индивидуаллаштириш ҳамда дифференцияллаштириш тамойиллари асосида ташкил этилишини таъминлаш, олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган етакчи профессор-ўқитувчиларнинг касбий салоҳиятларига таянган ҳолда, таълим сифатини ошириш. таълим олувчилар учун узлуксиз билим олишига имкониятини яратиш, таълим олишининг оширишнинг турли шакллариини ўзаро бир-бирига яқинлаштиришдан иборат.

Бу тизим электрон ўқув-методик ресурслар. интеграллашган электрон лўғат-маълумотномалар ҳамда лаборатория ва табиий экспериментларни моделлаштириш тизимини ўз ичига олади.

- фан, техника ва технология тараққиётининг бугунги даражаси билан ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги сифатини таъминлаш жараёни орасидаги номувофиқликни тизимга келтириш;

- олий педагогик таълим муассасаларининг электрон ахборот-таълим муҳити ва интеграллашган ўқув-илмий ресурсларининг етарлича яратилишини таъминлаш;

- таълим жараёнини ахборотлаштириш борасида тўпланган илғор тажрибаларнинг амалиётга етарлича жорий этилишини таъминлаш;

- замонавий ахборот технологиялари муҳитида таълим олувчилар мустақил малака оширишини ташкил этиш имконини берувчи электрон ўқув-методик мажмуаларнинг етарлича яратилишини таъминлаш;

- таълим жараёнини ташкил этиш, амалга ошириш ва назорат қилиш бўйича вақт ресурсининг чекланганлиги;

- таълим олувчилар мустақил билим олишларини ташкил этиш, амалга ошириш ва назорат қилишга оид ўқув-методик адабиётлар, тавсиялар, ишланмалар, йўриқномалар, кўрсатмаларнинг етарли эмаслиги ва талаба даражасида ишланганлигини ёритиш.

Мустақил таълим тизимининг анъанавий малака оширишдан фарқи:

- тизимнинг мосланувчанлигига боғлиқ равишда таълим олувчининг ҳаракатчанлиги;

- таълим олувчиларнинг мустақил ишлаш имкониятини катталиги;

- ўқув-методик таъминотни синхрон ва асинхрон шаклларда таълим олувчиларга етказиш имкониятлари малака ошириш жараёни самарадорлигини таъминлаши;

- етакчи олий таълим муассасалари ҳамда илмий марказларда фаолият кўрсатаётган юқори малакали профессор-ўқитувчилар ҳамда олимлар салоҳияти ҳамда таълимий ресурслардан тўлароқ фойдаланиш асосида республиканинг барча минтақаларида малака ошириш сифати ҳамда самарадорлигининг марказий муассасалар даражасида бўлиши таъминланиши;

- таълим олишнинг индивидуаллаштиришга қаратилган етакчи технологияларни жорий этиш асосида таълим олувчилар мустақил билим олишга бўлган эҳтиёжининг тўла қондирилиши.

Мустақил таълим қуйидаги дидактик вазифаларнинг амалга оширилишини таъминлайди:

- таълим олувчиларнинг кенг аудиториясини қамраб олиш ва унинг натижаси сифатида ўзаро мулоқотлашувчи ҳамкорлик муҳитини яратиш;

- таълим олувчилар гуруҳини фаоллаштириш ва мувофиқлаштириш, топшириқларни тақсимлаш;

- таълим олувчиларни қузатиш, ёрдам кўрсатиш ҳамда улар билан мулоқотни индивидуаллаштириш ҳамда дифференциаллаштиришга қаратилган ахборот муҳитини яратиш;

- мультимедиа технологияларини қўллаш орқали таълим олувчиларда малака оширишга қизиқишни орттириш;

- таълимнинг интерактив хусусияти асосида таълим олувчиларнинг фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш ва ўқув материалларини ўзлаштиришнинг самарадорлигини ошириш;

- реал ҳолатларда намоиш қилиниши қийин, ёхуд мураккаб бўлган жараёнларни моделлаштириш ва қузатиш имкониятини яратиш;

- анъанавий ҳамда масофавий таълим ўқув-методик таъминотининг самарали интеграциясини таъминлаш;

- таълим олувчиларга мустақил изланиш йўли билан материалларни топиш, ўрганиш ҳамда муаммоли масалаларни ҳал этиш орқали уларда маълум тадқиқот ишларини амалга ошириш қўникмаларини шакллантириш;

- таълим олувчиларнинг амалий касбий қўникма ва малакаларини ривожлантиришда ўқув тренажери функциясини бажариши;

- ўқув жараёнини гуруҳ ва фан кесимида (ўқув жараёнининг графиги, ташқи ташхис, жорий, оралик ва якуний назорат ва бошқалар) таҳлилини ташкил этиш;

- таълим олувчиларнинг курс, малакавий битирув ишларини тайёрлашда ўқув материаллари билан мустақил танишиш, танлаш, ахборот ҳамда маълумотларни таҳлил эта олиш каби малакаларни шаклланиши.

Мустақил таълим тизимини жорий этишдаги концептуал ҳолатлар қуйидагилар билан белгиланади:

- ўқитиш – бу таълим олувчи ва компьютер орасидаги мулоқот;

- мослашув тамойили – компьютерни таълим олувчининг индивидуал хусусиятларига мослаштириш;

- ўқитишнинг мулоқотли характери;

- бошқарилиши, яъни педагог томонидан ихтиёрий вақтда ўқитиш жараёнига тўзатиш киритиш имкониятининг мавжудлиги;

– индивидуал ва гуруҳли ўқитиш шакллари оптимал уйғунлаштириш шароитининг яратилганлиги;

– таълим олувчининг компьютер билан мулоқоти учун қулай шарт-шароитларни таъминлаш имкониятининг мавжудлиги.

Таълим жараёнини ташкил этишга қаратилган омиллар сифатида компьютер билан мулоқоти ва амалга ошириш методик таъминотининг ахборот-таълим муҳити ва замонавий талаблар даражасидаги ахборот-таълим ресурслари яратилганлиги, гиперматн, мультимедиа, малака оширишда ахборот ва коммуникация тизимларининг қабул қилинганлигини қайд этиш мумкин.

Мустақил таълимнинг умумий тавсифи

Мустақил таълим ахборот ва коммуникация технологиялари асосида таълим олувчиларнинг касбий маҳоратини қўллаб-қувватлаш, мустақил таълим олиш эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи маълумотларни узатиш воситалари, ахборот ашёлари, ўзаро алоқалар қайдномалари, дастурий ва ташкилий-методик таъминотларнинг тизимли-ташкилий мажмуидир.

Мустақил таълимнинг очиклигини таъминловчи қуйидаги таъминотлар асосида шакллантирилади:

– таълим олишни очик режалаштириш, яъни, йўналиш ва унга мос ўқув режаси доирасида билимларни ошириб боришнинг индивидуал траекториясини тузиш эркинлиги;

– ўқиш вақти ва суръатларининг эркин танланиши;

– таълим олиш даври ва ўрнининг эркин танланиши;

– етакчи профессор-ўқитувчилар касбий салоҳиятига таянган ҳолда таълим олиш сифатининг таъминлаши;

– таълим олувчилар учун узлуксиз билим олиш имкониятини яратиш.

Мустақил таълим таълим олувчига қўйиладиган талаблар, тизимга кириш учун рўйхатдан ўтиш, ўқув фанлари, ўзлаштиришни баҳолаш блокларидан ташкил топган бўлиб, узар қуйидагича талқин қилинади.

Таълим олувчига қўйиладиган талаблар блоқи. Мустақил таълим тизимида киритиладиган электрон ўқув ресурсларини ишлаб чиқишга ягона талабларни белгилаш ҳамда таълим олувчилар билим

даражаси мониторинги мезонларини ишлаб чиқиш мақсадларига хизмат қилади. Ушбу блок таълим олувчининг тизимига киришига қадар эга бўлиши талаб этиладиган касбий билимлари даражасини белгилаб беради.

Тизимга кириш учун рўйхатдан ўтиш блоки. Мустақил таълим тизимидан фойдаланиш учун таълим олувчидан дастлаб белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш талаб этилади. Мазкур блокда таълим йўналишлари рўйхати ва уларга тегишли ўқув режалари тақдим этилиб, шу асосда таълим олувчи зарур йўналишни белгилаб олишига шароит яратади.

Зарур йўналишни танлаган таълим олувчи билим олишнинг мустақил таълим тизимига кириш учун талаб этиладиган шахсий маълумотларни белгиланган тартибда киритиб, тизимга кириш учун ўзининг шахсий логини ва паролига эга бўлади. Ушбу логин орқали таълим олувчи билим олишнинг интеллектуал тизими ёрдамида таҳсил олишни истаган вақтда тўхтатиб туриши, ўзига маъқул бўлган вақтда қайта ташриф буюриши ва дастурни ўзлаштиришда давом этиши мумкин. Рўйхатдан ўтишда таълим олувчининг шахсий маълумотлари, таянч маълумотлари ҳамда алоқа боғлаш учун маълумотлар қайд этилганидан сўнг, уларни кизиқтириши мумкин бўлган асосий саволлар ва уларнинг жавоблари тақдим этилади.

Танлаган йўналиш ўқув режасидаги фанлар асосида, қизиқишлари ҳамда қобилияти ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда тизимга кирган таълим олувчига фанларни ўзлаштиришнинг шахсий траекториясини танлаш имконияти яратилади. Бу борада таълим олувчига кўмаклашиш мақсадида масофавий малака ошириш тизимида Таълим олувчи энг кўп танланадиган таълим траекториялари рўйхати ҳамда шаблон траекториялар тақдим этилади.

Ўқув фанлари блоқи модулли технология принципларига асосан ишлаб чиқилган бўлиб, у назарий машғулотлар, амалий машғулотлар ҳамда электрон маслаҳат бериш тизимини ўз ичига олади.

Назарий машғулотлар тизими таълим олувчи томонидан назарий билимларни эгаллаш, тўлдириш, ривожлантириш ҳамда тизимлаштиришга қаратилган бўлиб, унда ўқув дастурига мос равишда матнли, аудио ва видео материаллар ҳамда анимацион лекциялар бериб борилади. Лекция машғулотлари синхрон ҳамда асинхрон тартибда ташкил этилиши мумкин.

Ўқув фанларини тақдим этишнинг электрон ресурслари қуйидаги шакларда ишлаб чиқилади:

Матнли материаллар. Назарий машғулотларни ташкил этишнинг матнли маъруза қисми энг салмоқли ўринни эгаллайди. Одатда, ўқув дастурига қирувчи барча материаллар матнли шаклда яратилиб, шундан сўнг уларга қўшимча равишда аудио ҳамда видео материаллар ишлаб чиқилади. Ўқув материалининг бу тахлитда тақдим этилиши анъанавий лекцияларнинг бир қатор камчиликлар (зарур ўринларни кўчириб олиш, қайд қилиш, маърузачи томонидан уни қайта-қайта такрорлашга ортикча вақт сарфланиши)ни бартараф этилишини таъминлайди. Лекция матнида зарур таъкидлашларнинг ранг, ҳарфлар шакли ҳамда иллюстрациялар орқали берилиши эса у орқали хис сиётларни узатилишини таъминлайди.

Аудио материаллар. Бу турдаги материаллар икки режим орқали тарқатилади. On-line режимидаги аудиоматериаллар коммуникация технологияларидан фойдаланиб тарқатилади. Off-line режимидаги аудиоматериаллар аудиокассеталар, аудиодисклар, файлларга ёзилган ҳолда тармоқ технологиялари орқали тарқатилади. Таълим олувчилар томонидан маърузаларни эшитиш ҳам шу каби қулай ва ихчам бўлган аудио қурилмалар орқали амалга оширилади.

Видео материаллар синхрон ҳамда асинхрон тартибда узатилади. Видео материалларини синхрон тартибда, тўғридан-тўғри узатилиши педагог ва Таълим олувчининг бевосита мулоқотини таъминлайди, анъанавий маърузаларга хос барча ижобий жиҳатларни ўзида мужассамлаштиради, педагог ва таълим олувчилар бир-бирини реал вақтда кўриб ва эшитиб туришини таъминлайди.

Асинхрон тартибда ўқув материалларни узатишда видео материаллар видеокассеталар ва дискларга ёзиб олиниб тарқатилади. Бундай видео материаллар таркибига маъруза, мавзуга таълуқли илмий-оммаб оп видеоматериаллар, шу соҳанинг етук мутахассислари билан учрашув видеолархалари киритилади. Бундай видео материаллардан фойдаланиш ихтиёрий жойда ва вақтда, такрор ва такрор бажарилиши мумкин.

Анимацион маърузалар Таълим олувчиларга интерактив тузилишга эга бўлган ўргатувчи компьютер дастурлари орқали етказилади. Анимацион маърузалар мультимедиа технологиясидан фойдаланади.

ниб шакллантирилади. Бунда ҳар бир Таълим олувчи ўзининг психофизиологик хусусиятидан келиб чиқиб, анимацион маърузадаги траекторияси, ўзлаштириш суръати ва ўрганиш усулини танлайди.

Амалий машғулотлар компьютер технологияларининг замонавий ютуқларини мужассамлаштирувчи тренажерлар, виртуал реаллик асосида ўқитиш воқитлари, эксперт ўргатувчи тизимларга асосланади.

Масофавий малака ошириш интеллектуал тизимида тренажерлар ақлий ва меҳнат операцияларини имитациялаш асосида ўзлаштиришини таъминлайди.

Виртуал реаллик муҳитни идеаллаштириш тамойиллари асосида малака ошириш жараёнларини жадаллаштириш имконини беради.

Эксперт ўргатувчи тизимлар таълим олувчилар билим даражасини аниқлаш ва ривожлантириш жараёнларини тегишли фаолият соҳасининг етук мутахассиси функциясини бажара оладиган билимлар ва маълумотлар банки асосида ташкиллаштиришга қаратилган.

Фан дастурларини ўзлаштириш модулли таълим технологияси асосида ташкил этилганлиги, уни мустақил ўзлаштиришда таълим олувчиларни мунтазам равишда қўшимча манбаларга мурожаат қилишга ундайди. Бу борадаги эҳтиёжларни қондириш мақсадида билим олишнинг интеллектуал тизимида ON LINE ва OFF LINE режимидаги маслаҳатлар, жавобни таянч сўз бўйича қидириш ҳамда билимлар банкidan таркиб топган электрон маслаҳат блокли қўзда тутилган.

ON LINE режимида маслаҳатлар чат технологиясидан фойдаланиб амалга оширилади. Тьютор маслаҳатлар бериладиган вақт ҳақида аввалдан электрон почта орқали таълим олувчиларга хабар беради. Бундай маслаҳатлар ўзлаштирилиши мураккаб бўлган мавзуларга дуч келинганда; амалий машғулотларни бажаришда қўйилмаган саволларга жавоб топишда; янги материалларни тақдим этишда; мутахассислар билан мулоқот қилишда амалга оширилади.

Мустақил таълим тизимида электрон маслаҳатчидан фойдаланишда Таълим олувчи дастлаб тезкор жавоб олиш учун ON LINE режимида мутахассисдан маслаҳат олади, агар ушбу жавоб уни қониқтирмаса, ёки тегишли жавобни топа олмаса у OFF LINE режимида юқори малакали мутахассисдан маслаҳат олиши мумкин.

OFF LINE режимида маслаҳат. Бундай маслаҳатлар форумлар ва электрон почтадан фойдаланган ҳолда ўтказилади. OFF LINE режимидаги маслаҳатлар мавзуларга доир қўшимча материаллар беришда, амалий машғулотларни бажаришда юзага келган муаммоларни таҳлил қилишда, турли мавзудаги янгиликларни тарқатишда фойдаланилади.

Жавобни таянч сўз бўйича кидириш улкан ахборотлар ҳажмидан зарур тушунчани тез ва осон топиш имконини беради. У электрон маслаҳатчидан фойдаланишнинг дастлабки босқичи сифатида қўлланилиши мумкин.

Билимлар банки – ўз таркибига ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиб, ўқув дарсликлар, қўлланмалар, компьютер мультимедияли ўргатувчи тизимлар, аудио ва видео ўқув-ахборот материаллари, луғат ва маълумотномаларни электрон версияларини мужассамлаштиради. Бундай электрон ресурслар мажмуаси бир қатор афзалликларга эга: электрон ресурслардаги маълумотларни тез кидириб топиш, уларни системали жойлашуви, материалларни кўргазматилиги, келтирилган материаллар доирасини кенглиги ва қўшимча маълумотларга бўлган мурожаат мавжудлиги, материалларни ихчамлиги, материалларни етказиш усулини осонлиги ва тезлигини юқорилиги кабилар.

Ўзлаштиришни баҳолаш блоки Таълим оловчилар тайёргарлик сифатининг компьютер технологиялари асосида аниқлаш имкониятини яратди. Шунингдек, олинган натижалар ўзлаштириш даражасини баҳолашда фойдаланилиши мумкин.

Ўзлаштиришни баҳолаш натижаларини тегишли парол асосида Таълим оловчи ва тизим админстратори олиши мумкин. Ушбу блокда ўзлаштиришни назорат қилиш асосан тест саволлари асосида ташкил этилиб, олинган натижалар 100 баллик тизимда баҳоланади. Таклиф этилаётган билим олишнинг интеллектуал тизимида фанларни ўзлаштиришда минимал 70 балл, яқуний аттестацияни топшириш учун фанлардан ўртача ўзлаштириш даражаси минимал 75 баллни ташкил қилиши талаб этилади. Талаб эгилган ўзлаштириш даражасига эриша олмаган Таълим оловчи ўқув фанлари блокига мурожаат қилиб, тест саволларига қайтадан жавоб бериши мумкин бўлади.

Таълим оловчиларнинг ўзлаштириш натижалари ахборот-

таҳлилий карта шаклида расмийлаштирилиб, у таълим муассасасида малака ошириш сифатини таъминлаш борасида чора-тадбирлар белгилашда фойдаланилади.

*Вазирликнинг 2013 йил 2 августдаги
278 – сонли буйруғига 2 - илова*

**Республика Олий таълим тизими учун танлов асосида
зарурий дарсликлар ва ўқув адабиётларини яратиш
бўйича муаллифлар таркибини шакллантириш ва
тасдиқлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 12 декабрдаги “Республика олий таълим муассасалари Ахборот-ресурс марказларини замонавий дарслик ва бошқа ўқув-илтмий адабиётлари билан таъминлашни янада жадаллаштириш тўғрисида”ги 500-сонли буйруғи асосида ишлаб чиқилди.

2. “Республика Олий таълим тизими учун дарсликлар ва ўқув адабиётларини яратиш бўйича муаллифлар таркибини шакллантириш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги Низом” (кейинги ўринларда “Низом” деб юритилади) янгиланган классификаторга асосан тасдиқланган Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари, фан дастурларига мувофиқ зарурий янги авлод дарсликлари ва ўқув адабиётларини яратиш учун муаллифлар таркибини танлов асосида танлаб олиш тартибини белгилайди.

3. Ушбу Н изомга мувофиқ янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш учун соҳанинг етук мутахассислари, профессор-ўқитувчилар ва олимлардан иборат муаллиф (муаллифлар) таркиби танлов асосида шакллантирилади ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги такомиллаштирилган Давлат таълим стандартлари ва фан дастурларига мувофиқ яратилиши зарур бўлган ўқув адабиётларининг рўйхатини белгилайди ва ўрнатилган тартибда тасдиқлайди.

5. Танловда олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, ишлаб чиқариш, фан, таълим ва маданият соҳаларининг юқори малакали мутахассислари, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг мутахассислари ҳам иштирок этиш мумкин.

II. ТАНЛОВНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

6. Муаллифлар таркибини танлов асосида шакллантиришдан асосий мақсад - рақобатбардош кадрлар тайёрлашни юқори даражада таъминловчи янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратишдан иборатдир.

7. Муаллифлар таркибини танлов асосида шакллантиришнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- таълим жараёнини такомиллаштирилган Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурларига мос равишда яратилган янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш;

- вазирик ва ваколатли муассасаларнинг буюртмалари асосида янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмаларини ишлаб чиқиш учун муаллифлар таркибини танлаш тизимида рақобат мухитини яратиш ҳамда унинг ошкоралигини таъминлаш;

- янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмаларини ишлаб чиқишга энг малакали мутахассисларни жалб этиш;

- ёш истеъдодли муаллифлар ва муаллифлар жамоаларини қўллаб қувватлаш;

- илм-фан, ишлаб чиқариш ва иқтисодий соҳасидаги энг сўнгги ютуқларни янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмаларининг мазмунига доимий сингдирилиб боришни таъминлаш;

- муаллифларни моддий ва маънавий рағбатлантириш.

III. ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ ИШINI БОШҚАРИШ ВА ТАШКИЛ ЭТИШ

8. Танловда умумий раҳбарликни Олий ва ўрта махсус таълим вазири буйруғи билан тасдиқланган танлов комиссияси амалга оширади.

9. Танлов комиссиясига Олий ва ўрта махсус таълим вазининг биринчи ўринбосари ёки вазирликнинг масъул ходими раислик қилади.

10. Танлов комиссияси аъзолари сони 23-25 нафар кишидан кўп бўлмаган ҳолда унинг таркибига қуйидаги ташкилотлардан вакиллар киритилади:

- олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш марказининг масъул ходимлари;

- олий таълим муассасалари ректорлари;

- жамоат ташкилотлари вакиллари;

- буюртмачи (таянч олий таълим муассасалари)нинг вакиллари;

- манфаатдор вазирлик ва идора вакиллари;

- Фанлар Академиясининг соҳавий илмий тадқиқот муассасалари етук мутахассислари;

- соҳа бўйича етакчи профессор-ўқитувчилар;

- истеъдодли ёш олимлар;

- иш берувчи корхоналарнинг етакчи мутахассислари.

11. Танловни ташкил этиш ва экспертизадан ўтказиш бўйича танлов комиссияси қуйидаги ишларни амалга оширади:

- замонавий ўқув адабиётларини яратишда олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг янгиланган Классификатори, унинг асосида такомиллаштирилган Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурларига мувофиқлигини ҳамда мазкур Низом бандларининг бажарилишига қатъий амал қилинишини таъминлайди;

- Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича такомиллаштирилган давлат таълим стандартлари, ўқув режаларида белгиланган фанлар бўйича яратилиши зарур бўлган янги авлод дарслик ва ўқув адабиётларини аниқлайди;

- танлов асосида зарур бўлган ўқув адабиётларини яратилиши

бўйича муаллифлар танловини ўтказилиши тўғрисида йил давомида эhti ёжга қараб оммавий ахборот воситаларида эълон бериб боради;

- танловда иштирок этиш истагини билдирган муаллифлар тўғрисида келиб тушган мурожаатлар асосида тегишли фанлар бўйича муаллифлар гуруҳини шакллантиради;

- ўқув адабиётларини яратилишига юқори тажрибага эга бўлган профессор-ўқитувчилар, ЎзФАнинг илмий тадқиқот муассасалари етакчи олимлари ва ишлаб чиқариш корхоналари мутахассисларини жалб этган ҳолда муаллифлар гуруҳларни шакллантиради, дарсликларни республика иқтисодиёт тармоқлари ва инфратузилмаси. фан ва технология ютуқлари ривожланган хорижий давлағларнинг тажрибалари билан бойитиш борилишини таъминлайди ва назорат қилади;

- Республика олий таълим тизими учун дарсликлар ва ўқув адабиётларини яратиш бўйича муаллифлар таркибини шакллантириш бўйича олий таълим муассасалари нашр ва таҳрир бўлими бошлиқларини иштирокида ҳудудий семинарлар ўтказади;

- замонавий ўқув адабиётлари яратилишида танловда ғолиб чиққан муаллифлар иштирокида мақсадли семинар ва учрашувлар ўтказади;

- такомиллаштирилган Давлағ таълим стандартлари ва фан дастурларига мувофиқ яратилиши зарур бўлган янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмаларининг рўйхатини белгилайди;

- танлов комиссиясига танловда иштирок этиш истагини билдирган муаллифлар томонидан келиб тушган аризалар тегишли ҳужжатларни кўриб чиқади ва ғолибларни аниқлаш учун эксперт гуруҳларини тузади ва уларнинг фаолиятини назорат қилади;

- танлов асосида шакллантирилган муаллифлар гуруҳини фаолиятини назорат қилади ва мувофиқлаштириб боради;

- етишмаётган замонавий ўқув адабиётлари яратилишида танловда ғолиб чиққан муаллифлар иштирокида мақсадли семинар ва учрашувлар ташкил этади;

- танловни ташкил этади, ўтказади, бошқаради ва назорат қилади;

- ғолибларни аниқлаш мезонларини ишлаб чиқади ҳамда унга қатъий амал қилинишини таъминлайди;

- етишмаётган замонавий ўқув адабиётларини яратилиши жарёнидаги мавжуд муаммолар, таклиф ва тавсияларни вазирлик хузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услугий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш мухокамасига киритиб боради ҳамда аниқланган камчилик ва муаммолар бўйича чора-тадбирлар белгилайди ва ўз вақтида бартараф этиб боради;

- Танловда ғолиб чиққан муаллифлар гуруҳи фаолиятини мувофиқлаштириб боради. Улар томонидан яратилиши зарур бўлган ўқув адабиётининг ўз вақтида ёзиб тугатилишини назорат қилади;

- тақдим этилган янги авлод дарслик, ўқув қўлланмалар рўйхати ва муаллифлар таркиби ҳамда тегишли хужжатларни кўриб чиқади;

- ўқув адабиётини яратилишига масъул килиб тайинланган олий таълим муассасаси Илмий кенгаши муаллифлар томонида яратилган ўқув адабиётига берилган хулосаларини умумлаштиради ва Вазирлик хузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услугий бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш мухокамасига киритади;

- яратиладиган янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмаларини такомиллаштириш бўйича мутахассислар иштирокида баҳс-мунозараларда, ўқув машғулотларида синондан ўтказиш, матбуотда ҳамда "Таълим муаммолари" журнали саҳифаларида мунтазам ёритиб боради;

- ўқув адабиётлари билан таъминланганлик даражасини аниқлайди, таҳлил қилади ҳамда мунтазам равишда мониторингини шакллантиради, етишмаётган ўқув адабиётлари бўйича таклифларни киритиб боради.

12. Танлов комиссияси янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг Давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва фан дастурларига мувофиқлигини таъминлашга масъулдир.

IV. МУАЛЛИФЛАР ТАРКИБИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

13. Танлов комиссияси барча олий таълим муассасаларининг етакчи профессор-ўқитувчилари, республиканинг барча соҳа олимларини жалб қилган ҳолда муаллифлар гуруҳини шакллантиради.

14. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ўқув

режасидаги ижтимоий-гуманитар ва иқтисодий фанларига кирувчи янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратиш, такомиллаштириш ва уларни экспертгадан ўтказилишида ҳукуматнинг методологик комиссиясининг хулосалари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Маънавий ва ахлоқий тарбия бошқармаси” ҳамда Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи-методик кенгашининг хулосаларига амал қилинади.

15. Ўқув адабиётларини ишлаб чиқиш учун муаллифлар таркибини танлов асосида шакллантирилишини ташкил этиш ушбу Низомнинг иловасига мувофиқ амалга оширилади.

16. Муаллифлар таркибини танлов асосида шакллантириш учун оммавий ахборот воситаларида эълон берилади.

17. Оммавий ахборот воситаларида эълон берилган кундан бошлаб икки ой муддатда танловга ҳужжатлар қабул қилинади.

18. Танловда иштирок этиш истагини билдирганлар танлов комиссиясига қуйидагиларни тақдим этадилар:

- танловда иштирок этиш учун раҳбар имзоси билан хат (жисмоний шахслар учун иштирок этувчининг аризаси);
- иштирок этувчининг маълумотномаси (справка-объективка);
- илмий ва услубий ишлари рўйхаги;
- раҳбарлик қилган илмий-педагогик кадрлар рўйхати;
- компьютер саводхонлиги ва интернетда ишлаш тажрибаси;
- танлов асосида янги яратилиши зарур бўлган дарслик ва ўқув қўлланмалар концепцияси (0,5 босма табоккача), дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг режа-проспекти (бўлимлар ва мавзулар мазмунининг тезисли баёни, 1 босма табоккача) ва дарслик ҳамда ўқув қўлланманинг белгиланган битта бобининг намуна матни, мавжуд бўлган дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг танқидий таҳлилини танлов комиссиясига топширишлари лозим.

19. Танловга ҳужжат қабул қилиш муддати тугагандан сўнг танлов комиссияси ҳар бир фан бўйича экспертлар гуруҳини ташкил этади, 20 кун ичида экспертлар гуруҳи ҳужжатларни кўриб чиқади ва тегишли хулосаларни танлов комиссиясига тақдим этади.

20. Ҳужжат қабул қилиш муддати тугагандан сўнг танлов комиссияси 30 кун муддатда эксперт гуруҳларининг хулосасига асосан

танловга муаллиф ва муаллифлар гуруҳини аниқлайди ҳамда ғолиб чиққан муаллифларга хабар етказилади.

21. Танловда иштирок этиш шартлари ва расмийлаштириш коидаларига мувофиқ бўлмаган ҳамда эълонда кўрсатилган охириг муддатдан кейин тушган аризалар кўриб чиқилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

22. Танлов ҳужжатларини экспертиза қилиш учун танлов комиссияси томонидан илмий-педагогик жамоатчилик, мутахассис олимлар, иқтисодиёт тармоқлари ва талаб этиладиган бошқа мутахассислардан иборат таркибда тегишли фанлар бўйича экспертлар жалб қилиниши мумкин.

23. Фанлар бўйича эксперт гуруҳининг шахсий таркиби танлов комиссияси томонидан шакллантирилади тасдиқланади ва у махфий ҳисобланади.

24. Эксперт гуруҳи яратилувчи дарслик ва ўқув қўлланмалар муаллифларнинг тақдим этилган маълумотларини уларнинг код рақамлари бўйича тасдиқланган мезон асосида баҳолайди (баҳолаш Танлов комиссияси фаолият олиб борилаётган бинода амалга оширилади) ва ўзининг асосланган хулосаларини танлов комиссиясига киритади.

25. Ҳужжат қабул қилиш муддати тугагандан сўнг танлов комиссияси 40 кун муддатда танлов ҳужжатларида кўрсатилган талаблар ва эксперт гуруҳларининг хулосалари асосида ғолибларни танлаб олиш учун тайёрланган тақдимномаларни кўриб чиқади, тегишли хулосалар қабул қилади, ўқув адабнётлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун ғолиб деб топилган муаллифлар гуруҳини шакллантирилади, ғолиблар тўғрисида якуний қарор қабул қилади, масъул олий таълим муассасаларини белгилайди ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тасдиққа киритади.

26. Ғолиблар ва масъул олий таълим муассасаларини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буйруқ билан тасдиқланади.

27. Ушбу Низомда белгиланган топшириқларни сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш масъул этиб белгиланган олий таълим муассасаси ректори зиммасига юклатилади.

28. Танлов нағижалари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

V. МУАЛЛИФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ, УЛАР УЧУН ЯРАТИЛГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАР ВА УЛАРНИ РАЎБАТЛАНТИРИШ

29. Муаллифларнинг мажбуриятлари:

- олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг янги-ланган Классификатори, унинг асосида такомиллаштирилган Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурларига мувофиқ замонавий ўқув адабиётларини яратади;

- ўқув адабиётларини яратилишида республика иктисодиёт тармоқлари ва инфратузилмаси, фан ва технология ютуқлари ривожланган хорижий давлатларнинг тажрибалари билан бойитиш борилишини таъминлайди;

- дарсликнинг ҳажми намунавий ўқув режасидаги фанга ажратилган соатдан (маъруза учун) келиб чиқиб ўртача бир жуфтлик соатга белгиланган ҳажми I босма гобокдан кўп бўлмаслигини таъминлайди;

- муаллифларга ижодий таътил зарур бўлган ҳолларда намунавий ўқув режадаги фанга ажратилган соатга ва ундаги муаллифларнинг сони ва ишбу дарсликни яратишдаги улушига ҳамда фанга тегишли манбаъларнинг мавжудлик ҳолатига қараб белгиланади. Унинг муддати дарсликнинг ҳажмига қараб аниқланади;

- муаллифларни раъбатлантириш муаллифлар билан олий таълим муассаслари маъмурияти ўргасида тузиладиган шартномага мувофиқ белгиланади;

- янги авлод ўқув адабиётларини танлов асосида яратиш бўйича ўтказилган танловда қолиб чиққан муаллифларнинг самарали ва ижодий фаолияти учун муаллиф ёки муаллифлар фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасаси томонидан зарур шарт-шароитлар яратилади, уларни раъбатлантиради ёки зарур бўлган ҳолларда ўқув адабиётининг ҳажмига ва ёзилишидаги иштирокига қараб ижодий таътил берилади ҳамда хизмат сафарига юборилади.

- дарсликнинг яратилиш муддатини намунавий ўқув режадаги фанга ажратилган соатдан (маъруза учун) келиб чиқиб белгиланади, унда ўртача бир жуфтлик соатга белгиланган ҳажми I босма тобоқдан кўп бўлмаслиги керак. Дарсликнинг бир босма тобоғи учун 50 академик соат, ўқув қўлланманинг бир босма тобоғи учун

30 академик соат ажратилади ва муаллифлар ичидан раҳбар этиб белгиланган муаллиф гуруҳдаги ҳар бир муаллифнинг иш ҳажмини белгилайди ҳамда ушбу дарсликни ўз муддатида яратилиши учун масъул ҳисобланади;

- дарсликнинг битта боб ёки мавзуларини яратишда муаллифлар қўйидаги кетма-кетликка амал қилинади: бобнинг ёки мавзунинг режаси; мақсади ва вазифалари; таянч иборалар; ДТС талаблари асосида яратилган намунавий фан дастурга киритилган мавзуларни тўла ёритиш ҳамда мазмунини очиқ бериш; мустаҳкамлаш учун намунавий савол ва топшириқлар; фойдаланиш мумкин бўлган адабиётлар; мустақил ишлаш учун намунавий топшириқлар (оғзаки савол-жавоб, ёзма иш ва тест) ўз аксини топишини таъминлаш.

30. Танловда ғолиб чиқиб янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратган муаллифларни рағбатлантириш олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буйруғи билан тасдиқланади.

31. Янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратишда иштирок этиш мақсадида хизмат сафарига юборилган профессор-ўқитувчиларнинг йўл харажатлари олий таълим муассасалари томонидан тўланади.


32. Яратилган янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмаларини чоп этиш марказлашган маблағлар, шунингдек хомийлар ва олий таълим муассасалари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

33. Олий таълим муассасалари маблағлари ҳисобидан амалга ошириладган ўқув адабиётларини яратиш ва уни чоп этиш бўйича харажатлар сметаси олий таълим муассасалари илмий кенгаши томонидан тасдиқланади.

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

34. Республика олий таълим тизими учун дарсликлар ва ўқув адабиётларини яратиш бўйича муаллифлар таркибини танлов асосида шакллантириш, яратилган ўқув адабиётларини чоп этишдаги низо ва келишмовчиликлар амалдаги қонунчилик асосида ҳал этилади.

Ўқув адабиётлари лойиҳасини яратиш учун муаллифлар таркибини ташлаб олиш ва тасдиқлаш
СХЕМАСИ



**Муаллифлар танловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича
махсус комиссиянинг
ТАРКИБИ**

Ф. И.Ш.	Лавозими
И.Мажидов	Олий таълим муассасалари бош бошқармаси бошлиғи – Раис
Б.Рахимов	Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривож-лантириш маркази директори – раис ўринбосари
И.Алқаров	Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази бўлим бошлиғи – масъул котиб
М.Комилов	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Маънавий ва ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи - аъзо
С.Бузрукхонов	Молиялаштириш ва бухгалтерия хисоби бошқармаси бошлиғи- аъзо
О.Абдурахмонов	Ўқув жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бошқармаси бошлиғи - аъзо
Р.Сулейманова	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳуқуқшуноси - аъзо
Ғ.Мухамедов	Ўзбекистон Миллий университети ректори - аъзо
А.Маннонов	Тошкент давлат шарқшунослик институти ректори –
А.Вахабов	Тошкент давлат иктисодиёт университети ректори –
Ш.Қаюмов	Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети - аъзо
Б.Сайфуллаев	Ўзбекистон давлат санъат институти ректори - аъзо
Ш.Шарипов	Тошкент давлат педагогика университети ректори - аъзо
Р. Сайдахмедов	Тошкент давлат техника университети ректори - аъзо
М.Арипджанов	Тошкент автомобиль йўллар институти ректори - аъзо
Б.Даминов	Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректори - аъзо
С.Турабжанов	Тошкент кимё технолгия институти ректори - аъзо
М.Ҳамидов	Тошкент ирригация ва мелиорация институти ректори - аъзо

Т.Низоми	Тошкент архитектура қурилиш институти ректори - аъзо
Н.Жумаев	Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети ректори - аъзо
Х.Аминов	Миллий рассомчилик ва дизайн институти ректори - аъзо
Х.Муҳиддинов	Тошкент ахборот технологиялар университети ректори - аъзо
Е.Канъязов	Тошкент давлат юридик институти ректори - аъзо
М. Расулов	Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти ректори - аъзо
Қ.Жуманиязов	Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти - аъзо

Изоҳ: *Муаллифлар танловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича махсус комиссия аъзоларининг лавозимлари ўзгарган тақдирда, уларнинг ўрнига тайинланган шахсга ушбу вазифа юклатилади.*

**Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг
давлат таълим стандартлари асосида фанлар бўйича ўқув
дастурларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш
ТАРТИБИ**

I. Умумий қондалар

1. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича такомиллаштирилган давлат таълим стандартлари (кейинги ўринларда ДТС), ўқув режаларида белгиланган фанлар бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш тартиби (кейинги ўринларда Тартиб) қуйидаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган:

- Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори маънави мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора - тadbирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сонли қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг 2010 йил 31 мартдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълимнинг давлат таълим стандартлари, ўқув дастурларининг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш тўғрисида”ги 1 234-сонли қўшма буйруғи;

- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 26 февралдаги “Олий таълим тизимидаги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг узлуксизлиги ва узвийлигини танқидий таҳлил қилиш ишларини ташкил этиш ҳақида”ги 95-сонли буйруқлари.

2. Мазкур Тартиб асосида ишлаб чиқилган фанлар бўйича ўқув дастурлари (кейинги ўринларда фан дастури деб юритилади) республика олий таълим муассасалари учун меъёрий, услубий ҳужжат ҳисобланиб, фанлар бўйича ишчи ўқув дастурларини ишлаб

чиқиш ва расмийлаштиришда намунавий фан дастурлари сифатида қўлланилади ҳамда таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига қўйиладиган талабларни белгилайди.

3. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификаторига тегишли ўзгартиришлар киритилиши ёки бошқа сабабларга кўра ДТС ва ўқув режалари қайта тасдиқланганда ҳамда таянч ёки турдош олий таълим муассасалари гомонидан киритилган таклифлар асосида фан дастурлари қайта ишлаб чиқилади ва тасдиққа киритилади.

II. Фан дастурларининг мақсади ва вазифалари

4. Фан дастурининг асосий мақсади - муайян фан бўйича давлат таълим стандартларида бакалавр (магистр)нинг билим, кўникма ва малакаларига қўйилган талабларга мувофиқ меҳнат бозори талабларига жавоб берувчи, таълим сифатини ошириш, таълим-тарбия жараёнида илм-фан, техника ва технологиялар соҳасида эришилган ютуқларни тарғиб этиш, инновацион ва юқори (педагогик, ахборот коммуникация) технологияларни тадбиқ этишни, замонавий ўқув адабиётлари ва дидактик материаллар билан таъминлашни йўлга қўйиш ҳамда республика иқтисодиётининг реал тармоқларига рақобатбардош кадрлар тайёрлаш сифатини юксалтириш.

5. Фан дастурининг асосий вазифаси - талаба-ёшлар таълим-тарбиясининг шакллантирилиши, ўқув машғулотлари мавзуларининг мантикий кетма-кетлигини таъминлаш, миллий ғояни сингдириш, тарихий кадриятларга таяниш, илм-фан, техника, технологиянинг энг сўнги ютуқларини мунтазам ёритиб бориш, олий таълим тизими ривожланишини башорат этишда жаҳон андозалари ва тажрибаларини инобатга олиш ҳамда узлуксиз таълим тизимининг таълим турлари ўртасидаги узвийлик ва узлуксизлигини таъминлаш. Булардан ташқари таълим оловчиларнинг мустақил билим олиши, изланиши ҳамда касбий кўникма ҳосил қилиши учун имконият яратиш ва таълим хизматлари турларини кенгайтиришга хизмат қилади.

III. Фан дастурларининг мазмуни, яратилиши, такомиллаштириш тамойиллари ва тасдиққа киритиш

6. Фан дастурлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (кейинги ўринларда Вазирлик) томонидан белгиланган таянч ОТМлари профессор-ўқитувчилари томонидан турдош ОТМлари ва соҳанинг таникли мутахассисларини жалб қилган ҳолда ишлаб чиқилади. Фан дастурларининг ДТС талабларига мос ҳолда ишлаб чиқилишига таянч олий таълим муассасаси масъул ҳисобланади.

7. Фан дастурининг кириш қисмида ўқитиладиган фаннинг долзарблиги, соҳанинг тарихи, жамиятни демократлаштириш ва иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида ислоҳ қилишдаги аҳамияти ва ўрни очиб берилади.

8. Фаннинг мақсади ва вазифаларида ўқитишнинг асосий мақсади ва вазифалари, бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги.

9. Асосий қисм: услубий жиҳатдан узвий кетма-кетликлиги ҳамда ўқитиш турлари (маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотлари), ўқитишнинг интерактив услублари ва воситалари кўрсатилади.

10. Фанни ўқитишда замонавий педагогик технологияларни қўллаш, таълим жараёнини оптималлаштириш учун омил бўладиган механизмлари кўрсатилади.

11. Таълим-тарбия жараёнида назарда тутилган касбий (квалификацион) амалиётларга оид ўқув-услубий тавсиялар белгиланиши лозим.

12. Фан дастурларида ўқув жараёни учун зарур техник воситалар, ахборот-ресурс марказидаги тегишли ўқув адабиётлари, дидактик воситалар, ашёлар ва бошқа моддий-техник база тўғрисида маълумотлар киритилиши мақсадга мувофиқ.

13. Фан дастурининг титул варақасида Классификатор бўйича тегишли билим, таълим соҳалари ва таълим йўналиш (мутахассислик)ларнинг шифри ва номлари ҳамда ҳаракатдаги ўқув режага мувофиқ фаннинг тўла номи кўрсатилади (намуна иловада келтирилди).

14. Фан дастурини яратилишига масъул кафедранинг номи, муаллифлар ва тақризчилар тўғрисида асосий маълумотлар (фамилияси,

исми, отасининг исми, лавозими, илмий даражаси ва унвони). тасдиққа тавсия этувчи илмий-услубий тузилмаларнинг баённомаси рақами ва санаси кўрсатилади.

15. Фойдаланиладиган манбалар рўйхатига асосий дарслик ва ўқув қўлланмалардан ташқари қўшимча адабиётлар ва Internet манбаларидан фойдаланиш ҳам киритилади.

16. Фан дастурининг матни А-4 форматли, Times New Roman шрифтида, 14-чи ўлчамда, чап томонидан -30. пастидан -20, юқоридан -20, ўнг томонидан -15 мм. ўлчамида ҳошияланади. Бетларни рақамлаш – пастки қисмининг марказида жойлаштирилади.

17. Фан дастурида қуйидагилар батафсил ёртилиши шарт:

- кириш;
- мақсади ва вазифалари;
- фан бўйича билим, кўникма ва малакага эришилишига қўйиладиган талаблар;
- фаннинг ўқув режадаги бошка фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатидан узвийлиги ва кетма-кетлиги;
- фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни;
- фанни ўқитишда фойдаланиладиган замонавий ахборот ва педагогик технологиялар (фаннинг ўқув машғулотлари лойиҳалари);
- асосий қисми (маърузалар);
- амалий, семинар ва лаборатория машғулотларнинг мавзулари;
- мустақил таълим мазмуни;
- барқарор ривожланиш таълими моҳиятини сингдириш;
- курс иши (лойиҳа), чизма-хисоблар ва уларни бажарилиши бўйича услубий кўрсатмалар;
- асосий дарслик ва ўқув қўлланмалар (вазирлик ҳузуридаги Мувофиқлаштирувчи Кенгаши томонидан ғриф берилган ёки ОТМ илмий кенгаши томонидан тавсия этилган ўқув адабиётлари асосий адабиёт хисобланиши) ҳамда қўшимча адабиётлар рўйхати.

18. Фан дастурини яратиш ва такомиллаштириш тамойиллари:

- фан дастури тасдиқланган давлат таълим стандарти ва ўқув режасида белгиланган ўқув машғулотлари (маъруза, семинар, лаборатория ва курс ишлари (лойиҳалари) ва ш.к.), мустақил таълим. уларга ажратилган вақт меъёрларига мослигини таъминлаш шартлиги;

- таянч (базовий) ОТМларнинг етакчилигида ҳамда масъулияти остида яратилиши;

- яратилишида турдош олий таълим муассасалари, Фанлар Академиясининг тармок илмий тадқиқот институтлари, ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотларнинг етук мутахассислари жалб этилган ҳолда ижодий гуруҳлар шакллантирилиши ва рўйхати вазирликка тақдим этилиши шарт.

19. Фан дастурларини ўрнатилган тартибда тасдиқланиши учун куйидаги босқичлардан ўтади:

Жумладан, фан дастурларини:

- Фан дастури давлат рўйхатига олинган ДГС ва ўқув режаларидаги фанларга мос ҳолда 1-иловадаги наъмунага мувофиқ ишлаб чиқилади ва улар қайта ишланишида (такомиллаштирилишида) мос равишда ўзгартиришлар киритиш мумкин.

- таянч олий таълим муассасасининг тааллуқли кафедраси ва ОТМ Илмий кенгашининг қарори ва расмийлаштирилган баённомалари;

- турдош олий таълим муассасалари билан келишув баённомаси;

- иш берувчи корхона ва ташкилотлардан олинган, тақризлар, ҳулосалар ва таклифлар (модернизациялашган бўлиши мақсадга мувофиқ);

- Фанлар Академиясининг тармок илмий-тадқиқот институтларининг тақризи (ҳулосаси) ва тавсияномаси.

Танқидий фикрлар билдирилган тақдирга уларни бартараф этилганлиги.

Ишчи фан дастурларини:

- Тасдиқланган фаннинг ўқув дастури асосида олий таълим муассасалари (кейинги ўринларда ОТМ), жойлашган минтақанинг ҳудудий хусусиятларини инобатга олган ҳолда, ҳар бир ўқув йили учун фанларнинг ишчи ўқув дастури 2-иловадаги шаклга мувофиқ ишлаб чиқилади ва олий таълим муассасасининг Илмий кенгаши ёки руҳсат этилган Илмий кенгаш қарорлари билан тасдиқланади;

- фаннинг ишчи ўқув дастури давлат рўйхатига олинган фанларнинг ўқув дастурлари га мос ҳолда яратилади ва улар қайта ишланишида (такомиллаштирилишида) тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга асосан ўзгартиришлар киритиш мумкин;

- мустақил таълим мазмуни;
- олий таълим муассасасининг тааллуқли кафедраси ва ОТМ Илмий кенгашининг қарори ва расмийлаштирилган баённомалари;
- иш берувчи корхона ва ташкилотлардан олинган тақризлар, хулосалар ва таклифлар (модернизациялашган бўлиши мақсадга мувофиқ); Иш берувчи (бююртмачи) ўзгартириш киритиш таклифи билан чиққса, белгиланган меъёрлар асосида қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш мумкин;
- Фанлар Академиясининг ҳудудий филиалларининг тармоқ илмий-тадқиқот институтларининг тақризи (хулосаси) ва тавсияномаси;

Танқидий фикрлар билдирилган тақдирда уларни бартараф этилганлиги.

20. Фан дастурлари Вазирлик қошидаги олий ва ўрта махсус-касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашма ёки ўқув-услубий комиссияларининг хулосасига қўра Мувофиқлаштирувчи кенгаш тавсиясига асосан Вазирликнинг буйруғи билан тасдиқланади ва рўйхатга олинади.

21. Дастурнинг бир нусхаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида, бир нусхаси Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш марказида эталон сифатида сақланади.

22. Тасдиқланган ва рўйхатга олинган фан бўйича ўқув дастурларининг электрон версиялари ёки нусхаси таалуқлиги бўйича таянч олий таълим муассасалари томонидан барча олий таълим муассасаларига етказилади.

23. Дастур илмий-методик иш бўлиб, унинг тузувчилари муаллифлик ҳуқуқига эга.

IV. Яқуний қисм

24. Фанлар бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиши Партибига ўзгартириш, қўшимчалар киритиш ва бекор қилиш Вазирликнинг буйруғи асосида амалга оширилади.

НАМУНАВИЙ ШАРТНОМА № _____

« _____ » _____ 201_ йил

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Ўзлуксиз таълим тизими дарслик ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги 4-сонли ҳамда 2004 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 341-сонли қарорларига мувофиқ “Буюртмачи” сифатида _____ ректори _____ бир томондан ва иккинчи томондан “Ижрочи” сифатида _____ (лар) ўқув адабиётини яратиш бўйича ушбу шартномани туздилар.

1. Шартноманинг предмети

1.1. «Ижрочи» ушбу шартномага мувофиқ «Буюртмачи»нинг топшириғига биноан «_____» номли дарслик (ўқув қўлланма) қўлёзмасини _____ босма табоқ ҳажмда, белгиланган муддатда ва сифатли тайёрлаб бериш мажбуриятини олади. «Буюртмачи» эса бунинг эвазига «Ижрочи»га дарслик (ўқув қўлланма)нинг тайёрлаш учун “Республика олий таълим тизими учун танлов асосида зарурий дарсликлари ва ўқув адабиётларини яратиш бўйича муаллифлар таркибини шакллантириш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида Низом”нинг 29 бандига асосан зарур шароитлар юратиб беради.

2. Шартнома ни бажариш муддати

- 2.1. «Ижрочи» шартноманинг 1.1 бандида белгиланган ишларни _____ йилнинг _____ гача тайёрлаб беради.
- 2.2. Ўқув адабиёти қўлёзмаси ўрнатилган тартибда Мувофиқлаштирувчи Кенгаш қарори асосида чоп этилишига рухсат берилади.
- 2.3. Шартнома имзоланган кундан эътиборан қонуний кучга кирган ҳисобланади. Шартнома уч нусхада тузилади ва ўрнатилган тартибда Вазирликдан рўйхатдан ўтказилади. Вазирлик томонидан

шартномада назарда тутилган мажбуриятларнинг ўз муддатларида бажарилиши назорат қилинади.

3. Томонларнинг мажбуриятлари

3.1. «Ижрочи»нинг мажбуриятлари:

3.1.1. «Буюртмачи»нинг топшириғига кўра ўқув адабиёти қўлёзмасини шартномада белгиланган муддатларда «Ўзлуксиз таълим тизими учун янги авлод ўқув адабиётларини яратиш концепцияси»га катъий амал қилган ҳолда тайёрлаб беради.

3.1.2. Қўлёзмани тайёрлашда қўйидаги талабларга риоя қилиши лозим:

- ўқув адабиёти мазмунига миллий истиқлол ғояларининг сингдирилиши;

- дарслик (ўқув қўлланма)ни бакалаврият ёки магистратура таълим босқичларининг ўрнатилган тартибда тасдиқланган намунавий ўқув режаларига киритилган фанларнинг дастури тўла қамраб олинган ҳолда тайёрланиши;

- қўлёзма фанга оид тармоқларнинг сўнгги ютуқларини қамраб олган бўлиши;

- фан соҳасида хорижий муаллифларнинг янги дарслик (ўқув қўлланма) ларидан фойдаланилиши;

- қўлёзма илғор педагогик технологиялар асосида билимни мустақил назорати учун тест (саволнома)лар, амалий малака ва кўникмаларни шакллантиришга оид реал мисол ва масалалар билан бойитилган бўлиши;

- дарслик (ўқув қўлланма) содда ва раво тилда, таянч сўз ва ибораларини аниқлаштирилган ҳолда кўрсатиш усулида тузилиши;

- ўзлаштиришга ёрдам берувчи безаклар, тасвир, чизма ва бошқа интерфаол усулларнинг берилиши;

- мустақил фикрлашга ва ижодий қобилиятни ривожлантиришга қаратилган адабиётларга тавсияларнинг берилиши ва ҳ.к.

3.2. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари:

3.2.1. Шартнома кучга кирган кундан эътиборан «Ижрочи»га қўлёзмани тайёрлаш учун зарур шароитларни яратиб беришни ўз зиммасига олади, жумладан:

- «Ижрочи»нинг ҳоҳиш ва истагини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 258-моддаси ҳамда

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарорига мувофиқ белгиланган муддатга ижодий таътил бериш;

- Шартнома муддатида (ижодий таътил вақтига мувофиқ) «Ижрочи»нинг ойлик маошига қўшимча ҳақ тўлаш ёки рағбатлантириш;

- қўлёзма матнини компьютерда териш ва икки нусхада қоғозга бошиш ҳамда электрон версиясини шакллантирилишини таъминлаш.

4. Томонларнинг жавобгарлиги

4.1. «Ижрочи» томонидан шартноманинг 3.1 бандида назарда тутилган мажбуриятлар белгиланган муддатда бажарилмаса, ОТМ раҳбарияти томонидан ижодий таътил давомида «Ижрочи»га берилган маошлар ўрнатилган тартибда қайтарилиши, шунингдек, «Ижрочи» томонидан ўқув адабиёти қўлёзмасини тайёрлашда ишлатилган қоғоз ва бошқа шу каби сарф-ҳаражатлар қопланиши мумкин.

4.2. «Буюртмачи» томонидан шартноманинг 3.2. бандида назарда тутилган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлади.

5. Форс мажор ҳолатлари

5.1. Томонлардан бирортаси бошқа томоннинг олдида ушбу шартнома бўйича олган мажбуриятларни томонларнинг эрки ва истагидан ташқари пайдо бўлган ҳамда уларни олдиндан кўра билиш ёки бартараф этиш мумкин бўлмаган ҳолатларда шартнома шартларини бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайди.

6. Низоларни ҳал этиш тартиби

6.1. Томонлар ўртасида шартнома билан боғлиқ масалалар бўйича юзага келадиган барча низолар ёки келишмовчиликлар музокара йўли орқали ҳал қилинади.

6.2. Низо ёки келишмовчиликлар музокара йўли орқали ҳал этилмаган тақдирда, улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартиб асосида ҳал этилади.

«ИЖРОЧИ»

(Имзо)

«БУЮРТМАЧИ»

(Имзо)

**Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларнинг
давлат таълим стандартлари асосида фанлар бўйича ўқув
дастурларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш Тартибига**

1-илова

1-шакл

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди:

Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 201__ йил “__” _____
даги “__” - сонли
буйруғи билан тасдиқланган

№ _____

201__ йил _____

**ОЛИЙ МАТЕМАТИКА
ФАНИНИНГ
ЎҚУВ ДАСТУРИ**

Билим соҳаси:	100000 -	Гуманитар соҳа
	200000 -	Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ
Таълим соҳаси:	110000 -	Педагогика
	230000 -	Иқтисод
Таълим йўналиши:	5111000 -	Касб таълими (5230600-Молия, 5230700- Банк иши, 5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит);
	5230200 -	Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича);
	5230600 -	Молия;
	5230700 -	Банк иши;
	5230800 -	Солиқлар ва солиққа тортиш;
	5230900 -	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича);
	5231200 -	Сугурга иши;
	5231300 -	Пенсия иши;
	5231500 -	Баҳолаш иши

ТОШКЕНТ – 201__

Фаннинг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 201__йил “__” _____даги “__” – сонли мажлис баёни билан маъқулланган.

Фаннинг ўқув дастури Тошкент молия институтида ишлаб чиқилди

Тузувчилар:

- Раёмов М. - “Олий ва амалий математика” кафедраси профессори, п.ф.н.;
- Якубов С.С. - “Олий ва амалий математика” кафедраси доценти, ф.м.ф.н.;
- Бабаджанов Ш.Ш. - “Олий ва амалий математика” кафедраси доценти, ф.м.ф.н.

Такризчилар:

- Зикиров О.С. - Ўзбекистон Миллий университети. “Дифференциал тенгламалар” кафедраси мудири, ф.м.ф.д.;
- Мадиримов М.М. - Низомий номи ТДПУ профессори, ф.м.ф.н.

Фаннинг ўқув дастури Тошкент Молия институти Илмий-услубий Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (201__йил “__” _____даги “__” – сонли баённома).

КИРИШ

Замонавий иқтисодиёт математика фанларининг кенг қўлланишини талаб қилади. Шунинг учун Олий таълим Давлат стандартида “Педагогика ва иқтисод” таълим соҳасида “Олий математика” фанига кенг ўрин ажратилган. Олий математика фани дастури иқтисодиёт учун зарур бўлган математиканинг: чизикли алгебра, аналитик геометрия элементлари, математик таҳлил, оддий дифференциал тенгламалар назарияси ва қаторлар бўйича бошланғич тушунчалар ва уларнинг иқтисодий татбиқларини ўз ичига олган бўлимларидан ташкил топган.

Ўқув дастурининг мақсад ва вазифалари

Таълим мақсади давр билан, ижтимоий ҳаёт билан узвий боғлиқ. Ижтимоий ҳаётдаги туб бурилишлар, фаннинг интенсив ривожланиши, таълим модернизацияси, янги дидактик имкониятлар, инсонпарварлаштириш шубҳасиз таълим мақсадини ҳам тубдан ўзгартирди. Таълим мақсадининг тубдан ўзгариши таълим мазмунида ўз ифодасини топади. Олий математика фани мазмунига чизикли алгебра элементлари, текисликдаги ва фазодаги аналитик геометрия, векторлар алгебраси, бир ва кўп ўзгарувчили функцияларнинг дифференциал ҳисоби, интеграл ҳисоб элементлари, биринчи ва иккинчи тартибли оддий дифференциал тенгламалар ҳамда қаторлар назарияси бўлимлари киритилган.

Фанни ўқитишдан мақсад - талабаларда мантиқий, алгоритмик, абстракт фикрлаш, математик тафаккурини шакллантириш ва ривожлантириш. Ўзининг фикр-мулоҳаза, ҳулосаларини асосли тарзда аниқ баён этишга ўргатиш ҳамда эгалланган билимлар бўйича, қўникма ва малакаларни шакллантиришдир.

Фаннинг вазифаси - талабаларга иқтисоднинг назарий ва амалий масалаларини еча олишга етарли бўлган математик аппаратни эгаллашга ва уни қўллашга, шунингдек, иқтисодий масалаларнинг математик моделини тузиш ва таҳлил қилишга ўргатишдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар

“Олий математика” фанини ўзлаштириш жараёнида бакалавр:

- матрицаларни қўпайтириш, детерминантларни ҳисоблаш, матрица ранги ва тескари матрицани топишни;
- чизикли алгебраик тенгламалар системасини турли усуллар билан ечишни;
- чизикли ва эвклид фазоларнинг таърифларини аниқ билиши, векторларнинг чизикли боғлиқ ва чизикли эркилигини, векторлар системасининг ранги ва базиси топишни;
- аналитик геометрия элементларини ва иккинчи тартибли эгри чизикларни, уларнинг тенгламалари бўйича таҳлил этишни;
- чизикли оператор ва квадратик формалар, дифференциал ва интеграл ҳисоб, дифференциал тенглама ва қаторларни билиши керак.

Булар билан бир қаторда бакалавр:

- танланган ёки тузилган иктисодий мазмунли масалаларнинг математик моделни тузиш;
- мавжуд математик пакетлар ёки ахборот технологиялардан фойдалана олиш;
- мавзуга доир мисол ва масалаларни ечишга мосқуллай усулни топа олиш;
- иктисодий масалага мос бўлган математик моделни кўра олиш;
- ўз фикр-мулоҳаза ва хулосаларини асосли тарзда аниқ баён эта олиш малакаларига эга бўлиши керак.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

Олий математика фани табиий-математик фанлар мажмуасига тааллуқли бўлиб, талабалар уни I ва II семестрларда ўрганишади.

Бу дастурни амалда бажариш учун талабалар институтгача бўлган элементар математикадан етарлича маълумотга эга бўлишлари лозим.

Олий математика “Эхтимоллар назарияси ва математик статистика”, “Математик программалар”, “Молия математикаси”, “Иқтисодий таълим моделлари ва математик усуллар”, “Микро ва макроэкономика”, “Молиявий таҳлил”, “Статистика” ва бошқа фанларни ўрганишда асос бўлиб хизмат қилади.

Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни

Олий математика курси ишлаб чиқариш жараёни билан беvosита боғланмаган. Лекин у ишлаб чиқаришни такомиллаштириш бўйича мукобил қарорлар қабул қилишда қўлланиладиган сонли усулларни ўргатади.

Бунда берилган объектнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда асосий параметрлар ажратилади, сўнгра уларнинг ўзгариш қонуниятлари ва хоссаларидан фойдаланиб, математик модел тузилади. Моделнинг муҳим параметрлари аниқланиб, тегишли математик усуллар ёрдамида шу модел учун масаланинг мақбул ечими топилади.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талабаларнинг олий математика фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг замонавий усулларидан фойдаланиш, янги информацион (Scientific Work Place, Matlap, Mathcad, Mathematica пакетлар дастури ва ҳ.к.) ва педагогик технологияларни татбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, технологиялар мажмуаси, электрон материаллар, виртуал стендлар ва макетларидан фойдаланилади. Маъруза, амалий дарсларида мос равишдаги педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фанга кириш

“Олий математика” фаннининг предмет ва вазифалари. Математика — амалий масаларни ечишда энг кучли восита, фанларнинг универсал тили ва илмий дунёқарашнинг катта бир бўлаги. Табиатда рўй берадиган жараёнларни моделлаштириш ҳақида энг содда тушунчалар.

Матрицалар ва детерминантлар

Матрицалар ва улар устида амаллар. Детерминантлар ва уларни хоссалари. Лаплас теоремаси. Икки матрица кўпайтмасининг детерминанти. Матрица ранги. Базис минор ҳақида теорема. Детерминант нолга тенглигининг зарурий шарти. Тескари матрица. Матрицанинг характеристик кўпҳади. Матрицалар назариясининг иктисодиётдаги баъзи тadbиклари.

Чизикли тенгламалар системаси

Асосий тушунчалар. Чизикли тенгламалар системасини ечиш усуллари: Гаусс, Гаусс – Жордан, матрицавий усуллар ва Крамер қондаси.

Чизикли тенгламалар системасинининг умумий назарияси. Кронекер – Капелли теоремаси. Чизикли тенгламалар системасининг базис ечимлари.

Биржинсли чизикли тенгламалар системаси. Биржинсли чизикли тенгламалар системасининг фундаментал ечимлар системаси. Биржинсли тенгламалар системаси ва биржинсли бўлмаган чизикли тенгламалар системаси ечимлари орасидаги алоқалар.

R^n арифметик векторлар фазоси

Векторлар системаси. Векторларнинг чизикли боғлиқлиги ҳақидаги теоремалар. Чизикли эркин векторлар системаси. Векторлар системаси ранги ва унинг матрица ранги билан боғлиқлиги. Векторлар системасининг базиси. R^n фазонинг базиси.

R^n фазо векторининг координаталари.

Ихтиёрий базисда берилган векторлар устида амаллар.

Базисни алмашишда вектор координаталарининг ўзгариши. R^n фазонинг қисм фазолари. R^n фазонинг ортонормал базиси. Шмидт ортонормаллаш жараёни.

Чизикли алгебра назариясининг иқтисодий масалаларни таҳлил қилишдаги тадбиқи

Тармоқлараро Леонтъев иқтисодий модели (баланс таҳлили). Баланс таҳлили модели. Маҳсулотлар нархини аниқлаш модели. Савдо модели.

Аналитик геометрия элементлари

Тўғри чизик, текислик ва фазода Декарт координаталар системаси. Бошқа координаталар системалари. Координаталар методи геометрик масаларини ечишда энг самарали восита сифатида.

Аналитик геометриянинг энг содда масалалари. Чизиклар ва сиртлар тенгламаси. Тўғри чизик ва текисликнинг турли шаклдаги тенгламалари. Тўғри чизиклар, тўғри чизик ва текислик, текисликлар орасидаги бурчаклар. Тўғри чизикларнинг, тўғри чизик ва текисликларнинг ҳамда текисликларнинг параллеллик ва перпендикулярлик шартлари.

Нуктадан тўғри чизикгача ва нуктадан текисликгача масофа.

Иккинчи тартибли чизиклар. Тўғри бурчакли Декарт системасини буриш ва кўчириш ёрдамида иккинчи тартибли чизик ва сирт тенгламаларини каноник кўринишга келтириш. Иккинчи тартибли чизиклар ва сиртларни уларнинг каноник тенгламалари ёрдамида текшириш ва классификация қилиш.

Чизикли фазолар. Эвклид фазолар

Чизикли фазо таърифи. Чизикли фазо мисоллари. Чизикли боғлиқлик. Базис ва координаталар. Ўлчам.

Эвклид фазо. Скаляр кўпайтма.

Чизикли операторлар

Асосий таърифлар. Оператор тушунчаси ва мисоллар. Чекли чизикли фазода операторнинг умумий кўриниши. Операторлар устида амаллар. Чизикли операторларнинг чизикли фазоси. Янги базисга ўтишда чизикли оператор матричасини алмаштириш.

Эвклид фазода амал килувчи операторлар. Чизикли операторнинг хос киймат ва хос векторлари. Содда структурали операторлар. Симметрик операторнинг хос киймат ва хос векторлари.

Квадратик формалар

Бир чизикли формалар. n ўлчовли чизикли фазода бир чизикли формаларнинг умумий кўриниши. Симметрик бир чизикли формалар. Янги базисга ўтишда бир чизикли форма матричасини алмаштириши. Квадратик формалар. Бир чизикли ва квадратик формалар орасидаги мослик. Квадратик формаларнинг каноник ва нормал кўринишлари. Квадратик формани каноник шаклга келтириш. Лагранж усули. Ортогонал алмаштириш усули. Квадратик формани ортогонал алмаштириш усули ёрдамида каноник кўринишга келтириш. Квадратик формаларда инертция қонуни. Ишораси аниқланган квадратик формалар. Сильвестр ва бошқа критериялар.

Бир ўзгарувчили функциялар

Ҳақиқий сонлар. Сонлар тўғри чизигида тўпламлар. Чегараланган сонли тўпламларнинг аниқ юқори (қуйи) чегарасининг мавжудлиги.

Яқинлашувчи кетма - кетликлар ва уларнинг хоссалари. Кетма - кетлик яқинлашишининг Коши критерияси. Монотон кетма - кетликларнинг яқинлашиши. e сони. Кетма - кетликнинг лимит нукталари. Больтсано - Вейерштрасс теоремаси. Сонли кетма - кетликларнинг юқори ва қуйи лимитлари.

Тўпламлар назарияси элементлари. Тўпламлар устида амаллар. Тўлам қуввати. Санокли ва континуум қувватли тўплам ҳақида тушунча.

Ҳақиқий ўзгарувчили функциялар. Функция лимитининг Коши

ва Гейне таърифлари. Функция лимити мавжудлигининг Коши критерияси. Монотон функцияларнинг бир томонлама лимитлари.

Функциянинг нуктадаги узлуксизлиги. Узилиш нукталарининг клас сификацияси. Тўпламда узлуксиз функциялар. Мураккаб функциялар. Тескари функция ҳақида тушунча. Элементар функцияларнинг узлуксизлиги.

Вейерштрасс теоремаси. Текис узлуксиз функциялар. Кантор теоремаси.

Ҳосила. Ҳосиланинг геометрик, механик ва иқтисодий маъноси. Функциянинг нуктадаги биринчи дифференциали. Сумма, кўпайтма ва бўлинманинг ҳосиласи ва дифференциали. Мураккаб функциянинг ҳосиласи ва биринчи дифференциал формасининг инвариантлиги. Тескари функцияни дифференциаллаш.

Дарбу, Ролл, Лагранж ва Коши теоремалари. Лопитал қондаси.

Юқори тартибли ҳосила ва дифференциаллар.

Тейлор формуласи. Элементар функцияларни Тейлор формуласи бўйича ёйиш. « O » ва « o » символлар.

Функцияларни ҳосила ёрдамида текшириш. Дифференциалланувчи функцияларнинг монотонлик шарти. Функциянинг қавариклик шарти. Функциянинг экстремум нукталари. Экстремумнинг нуктадаги зарурий ва етарли шартлари. Асимптоталар. Бурилиш нукталари. Функция гарафигини тузилишининг умумий схемаси.

Тенглама илдиэларини тақрибий усуллар билан ҳисоблаш:

- Кетма-кет яқинлашишлар усули;
- Ватарлар усули;
- Ҳринмалар усули.

Бошланғич функция ва аниқмас интеграл. Интеграллашнинг асосий методлари. Элементар функцияларни интеграллаш.

Аниқ интеграл. Интегралланувчиликнинг Дарбу критерияси. Аниқ интеграл хоссалари. Ҳрта қиймат ҳақидаги теорема. Узлуксиз функция учун бошланғич функциянинг мавжудлиги. Ньютон – Лейбниц формуласи. Ҳзгарувчини алмаштириш ва бўлақлаб интеграллаш методлари.

Ҳосмас интеграл. Ҳосмас интеграл яқинлашишининг Коши критерийси. Абсолют ва шартли яқинлашишлар. Яқинлашиш аломатлари.

Ёй узунлиги, фигура юзи, жисм ҳажми.

Геометрик, механик, физик ва иктисодий миқдорларни ҳисоблашда аниқ интеграл тадбикининг умумий схемаси.

Аниқ интегралларни тақрибий ҳисоблаш:

- тўғри бурчак усули;
- трапеция усули;
- Симпсон формулалари.

Кўп ўзгарувчилик функциялар

R^n фазо. Метрика. Яқинлашувчи кетма - кетликлар ва уларнинг хоссалари. Кетма - кетликлар яқинлашишнинг Коши критерияси. Очик ва ёпиқ тўпламлар. Болътсано - Вейерштрасс теоремаси.

Ҳақиқий кўп ўзгарувчилик функциялар. Функция лимитининг Коши ва Гейне таърифлари. Функция лимити мавжудлигининг Коши критерияси. Вейерштрасс теоремаси.

Текис узлуксиз функциялар. Кантор теоремаси.

Кўп ўзгарувчилик функцияларнинг хусусий ҳосилалари. Нуктада дифференциалланувчилик. Дифференциалланувчилик билан хусусий ҳосилалар мавжудлигининг алоқаси. Дифференциалланувчиликнинг геометрик маъноси. Мураккаб функция ҳосиласи ва биринчи дифференциал форманинг инвариантлиги. Йўналиш буйича ҳосила. Градиент.

Юқори тартибли ҳосила ва дифференциаллар. Кўп ўзгарувчилик функция учун Тейлор формуласи.

Ошқормас функциялар. Ошқормас функция мавжудлиги ва дифференциалланувчанлиги ҳақидаги теоремалар. Ошқормас функцияларнинг ҳосилаларини ҳисоблаш. Функциялар системаси ва вектор функциялар. Тесқари функция ҳақидаги теорема. Функциялар системасининг боғлиқлиги ва боғлиқмаслиги ҳақидаги теорема.

Кўп ўзгарувчилик функция экстремумлари. Экстремумнинг зарурий шартлари. Экстремумнинг етарли шартлари. Шартли экстремум ҳақида тушунча. Кўп ўзгарувчилик функциянинг энг катта ва энг кичик кийматларини топишининг умумий схемаси. Каварик функциялар. Экстремум изланишининг градиент усули.

Дифференциал тенгламалар

Оддий дифференциал тенгламалар ҳақида асосий тушунчалар. Умумий ечим ва умумий интеграл. Интеграл чизиклар. Биринчи тартибли дифференциал тенгламалар. Коши масаласи. Биринчи тартибли дифференциал тенгламаларни ечишнинг асосий усуллари. Биринчи тартибли чизикли дифференциал тенгламалар. Бир жинсли ва бир жинсли бўлмаган чизикли дифференциал тенгламалар.

Ўзгармас коэффициентли иккинчи тартибли чизикли дифференциал тенгламалар. Дифференциал тенгламалар системаси. Дифференциал тенгламалар системаси ва юқори тартибли дифференциал тенгламалар орасида боғланиш.

Дифференциал тенгламаларнинг иқтисодиётда қўлланилиши. Рақобат шароитида ишлаб чиқаришнинг ўсиши. Олдиндан келишилган нархлар асосида бозор моделини тузиш.

Функционал кетма - кетликлар. Қаторлар

Сонли қаторлар. Сонли қаторлар ҳақида асосий тушунчалар. Қаторлар яқинлашишининг Коши критерияси. Номанфий ҳадли қаторлар. Коши ва Даламбер аломатлари. Кошнинг интеграл аломати. Абсолют ва шартли яқинлашиш. Лейбниц, Абел ва Дирихле аломатлари. Яқинлашувчи қаторларнинг хоссалари.

Функционал кетма - кетликлар. Текис яқинлашиш. Текис яқинлашишнинг Коши критерияси. Лимит функциясини узлуксизлиги, ҳадма-ҳад интеграллаш ва дифференциаллаш ҳақидаги теорема.

Функционал қаторлар. Текис яқинлашишнинг Вейерштрасс, Абел ва Дирихле аломатлари. Даражали қаторлар. Тейлор қатори.

Амалий машғулотларнинг тахминий рўйхати

- Матрица ва детерминантлар
- Чизикли тенгламалар системаси
- R^n фазода векторлар системаси
- Тўғри чизик ва текислик.

- Иккинчи тартибли чизиклар.
- Чизикли ва эвклид фазолари
- Чизикли ва эвклид фазоларда чизикли операторлар
- Квадратик формалар
- Кетма - кетлик лимити
- Функция лимити
- Ҳосила ва дифференциаллар
- Аникмас интеграл
- Аник интеграл
- Хосмас интеграл
- Биринчи тартибли дифференциал тенгламалар
- Юқори тартибли дифференциал тенгламалар
- Иккинчи тартибли чизикли тенгламалар
- Дифференциал тенгламалар системаси
- Сонли каторлар.
- Функционал каторлар.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

Фан бўйича курс иши намунавий ўқув режасида режалаштирилмаган

Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Талаба мустақил ишининг асосий мақсади - ўқитувчининг раҳбарлиги ва назоратида муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш.

Талаба мустақил ишини ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

- айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;

- берилган мавзулар бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш;
- назарий билимларни амалиётда қўллаш;
- макет, модел ва намуналар яратиш;
- илмий мақола, анжуманга маъруза тайёрлаш ва ҳ.к.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор — ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар, масалалар тўплами ишлаб чиқилади. Унда талабаларга асосий маъруза мавзулари бўйича амалий масала ва мисоллар ечиш услуби ва мустақил ечиш учун масалалар келтирилади.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари

1. Функция ҳосиласи ва унинг иктисодий жараёнларга таъбиқи;
2. Энг кичик квадратлар усули;
3. Кўп ўзгарувчили функцияларнинг иктисодиётда қўлланилаши;
4. Ажойиб лимитларнинг иктисодиётда қўлланилаши.

Дастурнинг информацион - методик таъминоти

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий илғор интерфаол усулларидан, педагогик ва ахборот - коммуникация технологияларининг презентация (тақдимот), мултимедиа ва электрон-дидактик технологиялардан фойдаланилади. Амалий машғулотларда ақлий ҳужум, кластер, блиц-сўров, гуруҳ билан ишлаш, инсерт, тақдимот, кейс стади каби усул ва техникалардан кенг фойдаланилади.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар

1. Жураев Т.Ж., Худойбергандов Р.Х., Ворисов А.К., Мансуров Х. Олий математика асослари. Дарслик. Т. Ўзбекистон, 1999, 290 бет.
2. Рахимов Д. Олий математика. «Иқтисод - молия», Дарслик, 2006.
3. Высшая математика для экономистов. Учебник. 2-е изд. / Под редакцией профессора Н.Ш. Кремера. М.: ЮНИТИ, 2003. – 471 стр.
4. Практикум по высшей математике для экономистов: Учебное пособие для вузов. Под редакцией проф. Н.Ш. Кремера. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2004. – 320 стр.

Қўшимча адабиётлар

1. Бабаджанов Ш.Ш. Высшая математика. Часть I. Учебное пособие. Т.: «IQ TISOD - MOL IYA», 2008. – 336 стр.
2. Бабаджанов Ш.Ш. Высшая математика. Часть II. Учебное пособие. Т.: «ALFA - PRINT», 2008. – 288 стр.
3. Ващенко Т.В. Математика финансового менеджмента. М.: Перспектива. 1996. – 140 стр.
4. Данко П.Е. и др. Высшая математика в упражнениях и задачах. Часть I, II. Учебное пособие. М.: «Высшая школа», 2007.
5. Латипов Х. ва бошқалар. Аналитик геометрия ва чизикли алгебра. Т.: Ўзбекистон, 1995. – 198 бет.
6. Р.Р. Абдалимов, И.К. Уразбоева. Олий математика. Тошкент “Алоқачи” нашриёти, Ўқув қўлланма, 2005.
7. Общий курс высшей математики для экономистов. Учебник. / Под общей редакцией В.И. Ермакова. Ы.: ИНФРА – М, 2007. – 656 стр.
8. Тожиев Ш. Олий математикадан масалалар ечиш. Т.: Ўзбекистон», 2002.-380 бет.

9. Каримов М., Абдукаримов Р. Олий математика. Ўқув қўлланма. Т.: «Иктисод - молия», 2009. – 204 бет.

10. Муминова Р., Турдахунова С. Олий математика. Масалалар җўплами. Т.: «Иктисод - молия», 2007. – 204 бет.

11. Раёмов М., Хужаниёзова Г. “Олий математика” фани бўйича мустақил таълим технологияси. Ўқув-услубий қўлланма. Тошкент, “Экстремум пресс” нашриёти, 2011.-142 бет.

Интернет сайтлари

1. [www.http://tfi.uz/pgf/oliymat_uzl.pdf](http://tfi.uz/pgf/oliymat_uzl.pdf)
2. [www.http://tfi.uz/pgf/oliymat_uzk.pdf](http://tfi.uz/pgf/oliymat_uzk.pdf)
3. [www.http://tfi.uz/pgf/omfmi22_uzk.pdf](http://tfi.uz/pgf/omfmi22_uzk.pdf)
4. [www.http://el.tfi.uz/pdf/mddj22.uzk.pdf](http://el.tfi.uz/pdf/mddj22.uzk.pdf)
5. [www.http://el.tfi.uz/pdf/mddj22.uzl.pdf](http://el.tfi.uz/pdf/mddj22.uzl.pdf)
6. [www.http://el.tfi.uz/pdf/mtpzogr-.uzk.pdf](http://el.tfi.uz/pdf/mtpzogr-.uzk.pdf)
7. [www.http://el.tfi.uz/pdf/mtpzogr-.uzl.pdf](http://el.tfi.uz/pdf/mtpzogr-.uzl.pdf)

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI VAZIRLAR
MAHJAMASINING
QARORI**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИ НИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА
БАЗАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-
ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.,
33-сон, 439-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети фаолиятини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» 2013 йил 23 майдаги ПҚ-1971-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш тадбирлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети (кейинги ўринларда Университет деб аталади) объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси — буюртмачи этиб;

«Ўзоғирсаноат лойиҳа» очик акциядорлик жамияти — бош лойиҳалаш ташкилоти этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Қуйидагилар бош пудрат ташкилотлари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Ишлар Бошқармасининг Қурилиш бирлашмаси — Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Г9А, Кичик халқа йўли кўчаси, 21 ва 21а-уйлар манзилларидаги; Учтепа тумани, 25-мавзе, Катта Хирмонтепа кўчаси билан Ширин кўчаси кесишган жойдаги бўш ер участкасидаги биноларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича;

«BITI-PRODUCTION» кўшма корхонаси — Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Заковат кўчаси, 4-уй манзилидаги биноларни реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш бўйича;

«Shodmonov» масъулияти чекланган жамият — Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 9А мавзеси, 26, 26а ва 26б-уйлар манзилларидаги биноларни реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш бўйича.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига Университет объектларини қуриш ва реконструкция қилишни лойиҳа-смета ҳужжатларини параллел равишда ишлаб чиққан ҳолда амалга оширишга истисно тариқасида рухсат этилсин.

4. Бош лойиҳалаш ташкилоти:

буюртмачи билан биргаликда 2013 йил 31 декабрда Университет биносини қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилишини;

реконструкция қилинаётган бинолар ва иншоотларнинг қурилиш конструкциялари техник ва инструментал текширувдан ўтказилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда, тасдиқланган смета-лойиҳа ҳужжатлари асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурдаги Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) маблағлари ҳисобига 2013—2016 йилларда Университетнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш тадбирларининг молиялаштирилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзқурилиш-материаллари» акциядорлик компанияси, «Ўзметкомбинат» очик акциядорлик жамияти, буюртмачи ва лойиҳалаш ташкилотининг асосланган ҳисоб-китобларига биноан, тўғридан-тўғри шартномалар асосида, тартибга солиб бориладиган нархлар бўйича Университет объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва ҳудудларини ободонлаштириш учун цемент ва металл прокати ажратилишини таъминласинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказишни ва қурилиш-монтаж ишларини бажариш сифати юзасидан давлат архитектура-қурилиш назоратини таъминласин.

8. Белгилаб қўйилсинки, Университет бинолари ва иншоотларини ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер ва мультимедий техникаси, инвентарь ва мебелларнинг асосий турлари билан жиҳозлаш белгиланган нормативларга мувофиқ, қурилиш-реконструкция ишларининг тегишли босқичлари тугалланишига қўра, уларни сотиб олиш харажатларини лойиҳа-смета хужжатларига киритиш йўли билан амалга оширилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2013 йилда Жамғарма маблағлари ҳисобидан Университетга 2-иловага мувофиқ энг зарур замонавий компьютер техникаси ва мультимедий воситалари билан жиҳозлаш учун бюджет маблағлари ажратсин.

Университетга 2013 йилда, энг яхши таклифларни танлов бўйича танлаб олиш йўли билан, тендер савдолари ўтказмасдан зарур компьютер асбоб-ускуналари ва ўқитишнинг мультимедий воситаларини сотиб олишга истисно тарикасида руҳсат этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 48-уй манзилида жойлашган Университет бинолари ва иншоотларини тезкор бошқариш ҳуқуқи билан, Тошкент шаҳар ҳокимлигига бепул бериш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент ш.,
2013 йил 13 август,
222-сон*

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг моддий-техника базасини
мустаҳкамлаш ва кенгайтириш

ТАДБИРЛАРИ

Т/р	Тадбирлар номи	Объектлар манзили	Амалга ошириш мuddатлари
1.	Университетнинг 2200 ўқувчи ўринга эга бўлган янги ўқув-маъмурий биносини қуриш.	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Г 9 А, Кичик халқа йўли, 21-уй	2013 — 2015 йиллар
2.	Университетнинг спорт зали, спорт ядроси (юсурий йўлкаси бўлган футбол майдони, волейбол, баскетбол майдончалари, теннис корти) ва сузиш ҳавзасидан иборат бўлган спорт мажмуасини қуриш.		
3.	400 ўринли янги ошхона қуриш.		
4.	Жалб этилган хорижий мутахассислар учун 20 ўринли янги мехмонхона биносини қуриш.	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 25-мавзе, Катта Хирмонтепа кўчасининг Ширин кўчаси билан қесилган жойидаги буш ер участкаси	2013-2014 йиллар
5.	Француз филологияси факультетининг ўқув корпусини реконструкция қилиш, кейинчалик унда инглиз тилининг 3-факультетини жойлаштириш.	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Г 9 А, Кичик халқа йўли, 21а-уй	2013-2014 йиллар

6.	Университет ректоратининг мавжуд маъмурий биносини реконструкция қилиш, унда замонавий ахборот-ресурс марказини жойлаштириш.		
7.	Таржима назарияси ва амалиёти факультетининг мавжуд ўқув корпусини реконструкция қилиш, унда Республика хорижий тилларни ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш илмий-амалий марказини ҳамда таржима назарияси ва амалиёти факультетини жойлаштириш.	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Г9 А, Кичик ҳалқа йўли, 21-уй	2014-2015 йиллар
8.	4 қаватли алоҳида бинони реконструкция қилиш, унда 330 ўринли талабалар яшаш жойларини ташкил этиш.	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Г9 А мавзеси, 26а-уй	2013-2014 йиллар
9.	Талабалар яшайдиган бинони мукаммал таъмирлаш.	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Г9 А мавзеси, 26-уй	2014-2015 йиллар
10.	Собиқ ошхона биносини реконструкция қилиш, унда мультимедиа аудиториясини, компьютер синфини, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва «Маънавият ва маърифат» маркази хоналарини жойлаштириш.	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Г9 А мавзеси, 26б-уй	2014-2015 йиллар
11.	8, 11 ва 12-ўқув корпуслари комплексини реконструкция қилиш, уларда 550 ўринли талабалар яшаш жойларини ташкил этиш.	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Заковат кўчаси, 4-уй	2015-2016 йиллар
12.	7-ўқув корпусини мукаммал таъмирлаш.		
13.	9-ўқув корпусини мукаммал таъмирлаш.		
14.	10-ўқув корпусини мукаммал таъмирлаш.		

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 13 августдаги
222-сон қарорига 2-ИЛОВА

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети учун замонавий компьютер техникаси ва
уқиғишнинг мультимедий воситалари рўйхати

Г/р	Асбоб-ускуналар номи	Ўлчов бирлиги	Сони
1.	Тилларни ўрганиш учун компьютерли лингафон сифлари.	Комплект (уқитувчи терминали — 1, талабалар учун терминаллар — 15, компьютер 15 + 1, кондиционер)	6
2.	Хорижий тилларни мустақил ўрганиш навальони.	Комплект (12 та компьютер, кондиционер)	6
3.	Электрон кутубхона зали.	Комплект (30 та компьютер, кондиционер)	3
4.	Мультимедий аудиторияси.	Комплект (компьютер, проектор, проекция учун экран, актив колонкалар, кондиционер)	12
5.	Мультимедий аудиторияси.	Комплект (LCD 42 телевизор, кондиционер)	14
6.	Университет ҳудудида радио ва видеотрансляция.	Комплект (рақамли тўнер ўрнатилган LCD 42 телевизор, «Udigital TV»га уланган ва абонент тўлови, DVD плеер 8, овоз колонкалари 20, қувватли қучайтиргич ва радиоузел — 3)	1
7.	Хорижий тиллар бўйича мультимедий ўқув материаллари яратиш учун студия.	Комплект (15 номдаги технологик ускуна)	1
8.	Маълумотлар узатиш тармоғи учун ускуна.	Комплект (2 та сервер, коммуникация ускунаси, кабеллар, вирусга қарши дастурий таъминот)	1
9.	Радиостудия мажмуи.	Комплект	1
10.	Компьютер сифлари учун мебель.	Комплект (компьютер столи + ИЗО яримомшоқ стул)	258

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР
МАҲКАМАСИ НИНГ
ҚАРОРИ**

**«ЎЗБЕКИСТОНДА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР» НОМЛИ КАСБГА
ОИД ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ ВА ИНТЕРНЕТ ПОРТАЛИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.,
42-сон, 559-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети муассислигида «Ўзбекистонда хорижий тиллар» номли касбга оид электрон журнал ва Интернет порталини ҳамда мустақил юридик шахс мақомига эга бўлган «Ўзбекистонда хорижий тиллар» номли касбга оид электрон журнал ва Интернет портали таҳририяти» давлат муассасасини таъсис этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. «Ўзбекистонда хорижий тиллар» номли касбга оид электрон журнал ва Интернет порталининг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

давлат устувор йўналишларига мо с республика микёсида хорижий тилларни ўрганишга оид назарий ва методологик муаммоларни ёритиш;

хорижий тилларни ўрганиш ва хорижий филология соҳасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ва ўқув-услубий ишлар, инновацион лойиҳалар ва уларни амалиётга жорий этиш борасида эришилаётган натижаларни кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилиш;

хорижий тилларни ўрганишда халқлар маданияти ва маданиятлараро мулоқот масалаларини ёритиш;

хорижий тилларни ўқитишда замонавий таълим технологияларини жорий этиш, узлуксиз таълим тизими ва халқаро таълим дастурлари доирасидаги турли лойиҳалар натижаларини омдалаштириш;

янгиликлар ва соҳага оид материалларни ёритиб бориш.

3. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

«Ўзбекистонда хорижий тиллар» номли касбга оид электрон журнал ва Интернет портали таҳририяти» давлат муассасасининг уставини белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин. шунингдек уни давлат рўйхатидан ўтказсин;

«Ўзбекистонда хорижий тиллар» номли касбга оид электрон журнал ва Интернет портали даврийлиги. унинг таҳририят хайъати ҳамда штат жадвалини белгиласин;

«Ўзбекистонда хорижий тиллар» номли касбга оид электрон журнал ва Интернет портали таҳририяти» давлат муассасасининг самарали фаолият олиб бориши учун барча зарурий шарт-шароитлар яратсин;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишган ҳолда «Ўзбекистонда хорижий тиллар» номли касбга оид электрон журнал ва Интернет портали таҳририяти» давлат муассасаси ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари ва шартларини белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. «Ўзбекистонда хорижий тиллар» номли касбга оид электрон журнал ва Интернет портали таҳририяти» Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Муқимий кўчаси, 104-уй манзилидаги Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети биносига ижара тўловисиз жойлаштирилсин.

5. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети:

2014 йил 1 мартга қадар «Ўзбекистонда хорижий тиллар» номли касбга оид электрон журнал ва Интернет портали фаолиятини самарали ташкиллаштирсин;

икки ой муддатда «Ўзбекистонда хорижий тиллар» номли касбга оид электрон журнал ва Интернет порталини мазмунан бойитиш ва мунтазам янгилаб борилиши юзасидан чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тасдиқлаш учун киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасига «Ўзбекистонда хорижий тиллар» номли касбга оид электрон журнал ва Интернет порталини «Электрон таълим» тармоғига уланишини таъминласин.

7. Қуйидагилар «Ўзбекистонда хорижий тиллар» номли касбга оид электрон журнал ва Интернет портали тахририяти» давлат муассасасининг фаолиятини молиялаштириш манбаи этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

халқаро ташкилотлар ҳомийлик хайриялари, грантлари;

обуна тўловларидан тушадиган маблағлар ҳамда хўжалик фаолиятдан олинган маблағлар;

конун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа маблағлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси «Ўзбекистонда хорижий тиллар» номли касбга оид электрон журнал ва Интернет портали тахририяти» давлат муассасасининг ишини самарали ташкил этиш мақсадида компьютер ва коммуникация воситалари, аудио, видео, тасвирий техникалар, зарур мебеллар билан тўлик жиҳозлаш учун 200 млн сўм ҳомийлик маблағлари ажратилиши тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

9. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги «Ўзбекистонда хорижий тиллар» номли касбга оид электрон журнал ва Интернет порталини оммавий ахборот воситаси сифатида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент ш.,
2013 йил 16 октябрь,
283-сон*

74000

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИНИНГ
АХБОРОТНОМАСИ

4-сон

ВЕСТНИК
МИНИСТЕРСТВА ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО
СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

№ 4

Оригинал макетдан босишга рухсат этилди 05.11.2013 йил.
Бичими 60x841/16. Шартли босма табоғи 5.5.
Адади 1000 нусха. Буюртма № 64/2.

«ТАФАККУР-ВО‘СТОН» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри Чилонзор кўчаси 1-уй.